



СТАТИСТИК ТҮПЛАМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ
ТАРАҚҚИЁТИНИНГ
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ
(1990–2010 ЙИЛЛАР)
АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯ
ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ
ҲАМДА 2011–2015 ЙИЛЛАРГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН ПРОГНОЗЛАРИ**

ТОШКЕНТ – «ЎЗБЕКИСТОН» – 2011

УДК: 311.312(55.1)(082)

ББК 65.9(5Ў)

Ў 32

ISBN 978-9943-01-743-6

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2011



J

Қадрли дўстлар!

Мамлакатимиз бундан йигирма йил олдин ўз мустақиллигини эълон килиб, тарихий тараққиётининг янги боскичига қадам қўйди. Бу йиллар давомида босиб ўтган мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўлимизга назар ташлар эканмиз, Ўзбекистоннинг ўтган давр мобайнида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш борасида эришган марра ва натижаларини холисона баҳолаш зарурати мавжуд эканини англаймиз.

Мухтасар айтганда, мустақил тараққиётимизнинг энг биринчи кунларида иқтисодиётимиз қандай ахволда бўлгани, ўтган тарихан киска давр – йигирма йил давомида иқтисодиётимиз ва ҳаётимиз даражаси қандай суръатлар билан ривожлангани, қандай юксак чўқкиларни кўлга киритганимиз, энг муҳими, қандай истиқбол режаларини тузаётганимизга танқидий баҳо беришимиз лозим. Биз ўз олдимизга қўяётган мақсад эса барчамизга яхши маълум – бу замонавий ривожланган демократик

давлатлар қаторига кириш, халкимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш ва унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

Эришган ютук ва мэрраларимизни холис ва муносиб баҳолаш учун авваламбор мамлакатимиз мустақилликнинг дастлабки йилларида қандай мураккаб вазиятда бўлганини эсга олишимиз ва ўзимизга аниқ тасаввур этишимиз зарур.

Марказлаштирилган режалаштириш ва тақсимлаш механизми асосида фаолият кўрсатган бутун совет тизимиға хос бўлган иллатлар билан бир қаторда, республикамиз иқтисодиётининг бирёзлама ривожланиб, факат хомашё етказиб беришга йўналтирилгани, иқтисодиёт, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатган тўла ва мутлақ пахта яккаҳокимлиги юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди.

Бунинг оқибатида, улкан табиий, минерал-хомашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамасдан, республикамиз собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожи бўйича охирги ўринлардан бирида турад эди.

СССР парчаланиб кетганидан кейин вужудга келган шароитда иқтисодиётнинг фожиали равишда инқирозга юз тутиши, инфляциянинг ўта кескин ўсишини жиловлаш, илгари қарор топган хўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг бутунлай издан чиқиб кетиши оқибатларига барҳам бериш, ишлизикнинг янада авж олишига йўл қўймаслик фавқулодда муҳим аҳамият касб этарди.

Биз мустақилликнинг ilk кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, жаҳон тажрибасини ҳар томонлама пухта ўрганиш, умуминсоний қадриятларни чуқур англаш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни асрраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш асосида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат барпо этишга азму қарор қилдик.

Ўтган даврда амалга оширган барча ишларимизни баҳолар эканмиз, бугунги Ўзбекистоннинг шаклланишидаги икки бос-

кични алоҳида ажратиб кўрсатиш учун барча асосларимиз бор: 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган муддатни ўз ичига оладиган биринчи босқич – ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришлар даври.

Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-хукуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилиш, аҳоли турмуш даражасини мунтазам ошириб боришни таъминлашда 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олган иккинчи босқич – мамлакатимизни фаол демократик янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизация қилиш даври ғоят муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ этиш, либераллаштириш ва модернизация этиш, унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш бўйича ҳар томонлама чуқур ўйланган, узок истиқболга мўлжалланган сиёсатнинг амалга оширилиши ана шу йилларнинг барчасини ўзаро боғлайдиган ҳал қилувчи асос, ўзак бўғин бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистонда қабул қилинган, «ўзбек модели» деб ном олган, ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигига эришиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш каби машҳур беш тамойилга асосланган ўзига хос йўли – буларнинг барчаси, айниқса 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози даврида ўзининг нечоғлиқ тўғри ва ҳаётий эканини исботлади.

Биз истиқлолимизнинг биринчи кунлариданоқ четдан туриб тикиштирилган «шок терапияси» усулларидан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солади, деган сохта тасаввурлардан воз кечдик, маъмурий-буйруқбозлиқ тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида «Янги уй курмай туриб, эскисини бузманг» ва «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» каби машҳур тамойилларга амал қилиб,

тадрижий ёндашувни, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик.

Ўзбекистонда қабул қилинган иқтисодий тараққиёт моделининг энг муҳим хусусияти четдан қарз олиш сиёсатининг чукур ўйланганида, мамлакатимизни ташки омилларга боғлаб қўйиши мумкин бўлган киска муддатли спекулятив кредитлардан воз кечишда намоён бўлди.

Шу билан бирга, давлатимиз мустақил тараққиётнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизга узоқ муддатли хорижий сармояларни жалб этиш учун амалда қиёси бўлмаган шартшароит ва кафолатлар яратишга алоҳида эътибор қаратди, тўлов қобилиятига эга бўлган ишончли шерик сифатида ўзини кўрсатди.

Мустақил тараққиётимизнинг ана шу йигирма йиллик даври давомида амалга оширган ишларимизни таҳлил қилас эканмиз, биз танлаган модель, чукур ўйланган ва изчил амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг устувор ўйналишлари юртимиздаги сиёсий тизим, фуқаролик жамияти, миллий иқтисодийтимизнинг барқарор ва жадал ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси изчил ошиб бориши учун мустаҳкам ва ишончли пойдевор яратди, деб таъкидлашга барча асосларимиз бор.

Ишончим комилки, мамлакатимизнинг ҳаёти ва қиёфасида юз бераётган, қуруқ статистик рақам ва кўрсаткичлар мисолида ҳам кузатиш, сезиш мумкин бўлган, одамнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган ўзгаришлар ҳеч бир холис фикрлайдиган инсонни бефарқ қолдирмайди.

Ўтган давр мобайнида, айниқса, мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларида енгиб ўтишимизга тўғри келган улкан қийинчиликлар, муаммолар, таҳдид ва синовларга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти 20 йил давомида қарийб 3,4 баробар, ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига 2,5 баробар, ўртача иш ҳаки 14 баробар ўсганини, бу даврда мамлакатимиз аҳолиси 8 миллион 244 минг кишига кўпайиб, ҳозирги кунда 28,5 миллион нафарни ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бундай улкан натижаларга эришганимизни, чиндан ҳам тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Аҳолининг ялпи даромадлари амалдаги ҳисоб-китоблар бўйича 8,6 марта ошди. Айни пайтда бу кўрсаткичнинг 47 фоизи биз учун мутлақо янги бўлган мулк шакллари ва тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлардир.

Таъкидлаш жоизки, кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли ўртacha даромадга эга бўлган аҳолининг улуши ўсиб бормоқда. Экс-пертлар томонидан билдирилган хulosаларга кўра, ўргача даражадаги барқарор пул даромадларига эга бўлган уй хўжаликларининг улуши 2010 йил якунлари бўйича 60 фоизни ташкил этган. Холбуки, 1990 йилда бу кўрсаткич 18 фоиздан иборат эди.

Бошқача айтганда, мамлакатимиз аҳолиси даромадларида ўта кескин фарқ бўлишига йўл қўймаслик борасида изчил иш олиб борилмоқда.

Давлатнинг ижтимоий ҳимоя соҳаси учун сарфлаган харажатлари, аҳоли жон бошига ҳисоблагандан, 5 мартадан кўпроқ ошди, ҳар йили Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни саклаш, таълим, коммунал хўжалик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлик бошқа соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилмоқда.

Шу даврда юртимизда одамларнинг ўртacha умр кўриш дараси 67 ёшдан 73 ёшга етди, оналар ўлими 3,1 баробардан зиёд, болалар ўлими эса 3,2 баробар камайди.

Таъкидлаш керакки, эришган ана шундай барча ютукли-римизнинг замирида аввало миллионлаб юртдошларимизнинг кундалик фидокорона меҳнати, ўз умрини ўтаб бўлган бошқарув ва хўжалик юритиш тизимидан воз кечилгани, мамлакатимизни тубдан ислоҳ этиш ва модернизация килишнинг ҳар томонлама чуқур ўйланган дастури мужассамдир.

Юртимизда туб маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди, давлат бошқарувининг тармоқлар ва худудлар бўйича принципиал жиҳатдан мутлақо янги тузилмаси шакллантирилди, жойларда ҳокимлик институтини жорий этиш орқали маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил этилди, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими – маҳалла институти ривожлантирилди ва мустаҳкамланди.

Мамлакатимизда бозор инфратузилмаси институтлари яратилиб, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган мутлақо янги молия ва икки босқичли замонавий банк тизими шакллантирилди, иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида чукур ислоҳотлар ўтказилди.

Истиқбол йилларида мулкчиликнинг тузилишида туб ўзгаришлар рўй берди, кўпукладли иқтисодиёт амалда шаклланиб, унинг таркибида хусусий мулк устувор ривожланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида нафакат ҳал қилувчи ўрин эгаллади, айни вақтда бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, одамларнинг даромадлари ва фаровонлиги ошиб боришининг асосий манбаига, аҳоли бандлиги ўсишининг энг муҳим омилига айланди.

Юртимизда ёқилғи-энергетика ва ғалла мустақиллигига эришилди. Бой минерал хомашё ва қишлоқ хўжалиги ресурслари ни тубдан қайта ишлашга асосланган замонавий технологияларни жалб этган ҳолда, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашнинг кенг кўламли дастурларини изчил амалга ошириш таъминланмоқда. Энергетика, нефть-газкимё, рангли металлургия, кимё ва тўқимачилик саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика ва микробиология, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатли ва чукур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби иқтисодиётимиз тараққиётининг локомотиви ҳисобланган, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш тармоқлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда.

Иқтисодиётнинг реал секторига инвестицияларнинг кенг жалб этилиши, экспорт салоҳияти ва маҳсулот экспорти ҳажмининг оширилиши миллий иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилишни таъминлаш борасидаги энг муҳим натижа бўлди, ташки қарзларнинг мақбул даражаси сақланган ҳолда, ташки савдо айланмасининг ижобий сальдоси ва олтин-валюта захираларининг барқарор ўсишига эришилди.

Жаҳон тажрибасида ўхшashi бўлмаган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат

умуммиллий дастурининг амалга оширилиши давлатимиз томонидан жисмоний соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган доимий эътибор иқтисодиётимизнинг ўсиши ва янгиланиши, демократик ўзгаришларни жорий этиш ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича ўзгаларнинг ҳавасини ўйғотаётган суръатларга эришишда бекиёс аҳамиятга, том маънода «ижобий портлаш» эффектига эга бўлди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича изчил иш олиб борилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, замонавий талабларга жавоб берадиган, ўз таркибида республика ва вилоят тез тиббий ёрдам марказларини бирлаштирган тиббий муассасалар тармоғи яратилди.

Барча вилоят марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббий марказлар тармоғи фаолият юритмоқда.

Мустақиллик йилларида қишлоқ жойларда замонавий асосда жиҳозланган 3 минг 200 дан ортиқ қишлоқ врачлик пункти барпо этилди.

Оналар ва болалар саломатлигини мухофаза қилиш бўйича замонавий тизим яратилди, барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида перинатал ва скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Албатта, ўтган даврда амалга оширилган барча ишларни сабаб ўтишнинг имкони йўқ, бироқ бу ўзгаришлар, қўлга киритилган ютуқ ва мэрраларимизнинг энг мухим хусусиятини ўз кучимиз билан барпо этган кўплаб ноёб иншоотлар мисолида яққол кўриш мумкин. Яъни, мустақиллик йилларида барпо этилган стратегик саноат обьектлари – Шўртангаз-кимё мажмуаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Асака ва Самарқанд автомобиль заводлари, Кўнғирот сода заводи, Дехқонобод калийли ўғитлар заводи, ўнлаб тўқимачилик мажмуалари, юзлаб янги корхоналар ва мухандислик-коммуникация инфратузилма обьектлари, мамлакатимизнинг ягона транспорт тизимини яратадиган, трансмиллий транспорт йўналишлари ва жаҳон бозорига чиқиши таъминлайдиган замонавий автомобиль йўллари,

694 километрдан зиёд узунликдаги Навоий – Учкудуқ – Султон Увайстоғ – Нукус ва 223 километрлик Тошғузор – Бойсун – Кумқұрғон темир йўл тармоқлари, «Навоий аэропорти» ва «Ангрен» халқаро логистика марказлари – буларнинг барчаси амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёси нақадар ул-кан эканидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг иқтисодиётни ислоҳ этиш, барқарор мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, инқирозга қарши чораларни амалга ошириш борасида эришган ютуклари Халқаро валюта жамгармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби нуфузли халқаро молия ва иқтисодий институтлар, дунёдаги бошқа қатор етакчи молиявий ташкилотлар томонидан эътироф этилди.

Мамлакатимизнинг ўтган 20 йиллик мустақил тараққиёти давомида амалга оширган ишларимизни сархисоб этиб, муносиб баҳолар эканмиз, шу билан бирга, эришилган бу марралар халқимиз учун муносиб ҳаёт шароитини яратиш ва мамлакатимизни равнақ топтириш йўлидаги дастлабки қадамлар эканини яхши тушунамиз.

Биз шу давр мобайнида эришган барча ютуқларимизга маҳлиё бўлиб, ҳаволаниш туйгуси ва хотиржамлик кайфиятига берилишга асло йўл қўймаслигимиз лозим.

Шуни доимо ёдда тутишимиз керакки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди ва эришган натижалари билан кифояланмасдан, дунёда кечаётган туб ўзгаришлар жараёнидаги ўз ўрнига ҳаққоний ва танкидий баҳо берадиган, даврнинг тобора ортиб бораётган талаблари ва жаҳон бозорида кучайиб бораётган рақобат курашига мос ҳолда қадам ташлайдиган давлатгина биринчи навбатда муваффакият қозона олади.

Айнан шундай ёндашув ва тамойиллар Ўзбекистонни ўрта ва узоқ истиқболда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришига қаратилган режа ва дастурларимиз, устувор йўналишларимиз асосида мужассам бўлмоғи даркор.

Бунда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва либераллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг

давомийлигини ва янада изчил чуқурлашиб боришини таъминлаш фавқулодда муҳим аҳамият касб этади.

Бизнинг бугунги кундаги энг муҳим устувор йўналишларимиз чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, жадал ва мутаносиб ривожланишни таъминлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, инвестициявий ишчанлик муҳитини шакллантириш ва чуқурлашириш, юксак технологиялар асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлашириш, экспорт соҳасидаги мавқеимизни мустаҳкамлашдан иборатdir.

Хозирги босқичда ички эҳтиёжнинг ўсишига муҳим аҳамият каратиш лозим. Чунки бундай ёндашув жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг изчил ривожланишини барқарорлашириш ва рағбатлантиришнинг омили сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий соҳа ва хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш, инфратузилма, транспорт-коммуникация йўналишидаги лойиҳаларни амалга ошириш ва янги уй-жой обьектларини, айниқса қишлоқ жойларда, барпо этиш, иш ҳақи ва аҳоли даромадларининг изчил ошиб боришини таъминлаш бундан бўён ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолиши керак.

Юртимиздаги мавжуд имконият ва ресурслар, ўтган йиллар давомида яратилган мустаҳкам салоҳият ўз келажагимизга катта ишонч билан қараш учун бизга барча зарур асосларни беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим соҳа ва тармоқларини ривожлантиришнинг 2011 – 2015 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган макроиқтисодий кўрсаткичлар ва ҳисоб-китоб параметрлари прогнозлари 2015 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2010 йилга нисбатан 145 – 150 фоиз атрофида оширишни назарда тутади, ўртacha йиллик ўсиш суръатлари эса камида 8 фоизни ташкил этиши керак.

Яқин беш йилда жалб этиладиган капитал кўйилмалар ҳажми 2,3 марта, шу жумладан, хорижий инвестициялар микдори тахминан 2 марта ўсиши кўзда тутилмоқда. Бу маблағлар

иктисодиётимизда жиддий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, етакчи саноат тармоқларини модернизация қилиш, аввало энергетика, нефть-газ соҳаси, машинасозлик, кимё ва рангли металлургия, енгил саноат, шунингдек, транспорт-коммуникация соҳаси, мамлакатимизда жаҳон бозорида талаб юқори бўлган мутлақо янги ракобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича кенг миқёсдаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилади.

Юртимизда аҳолининг умумий даромадларини 2015 йилда 2010 йилга нисбатан камида 2,6 марта ошириш кўзда тутилмоқда, иш ҳақи, пенсия, нафака ва стипендиялар миқдори ҳам сезиларли равишда ортади. Қисқача айтганда, аҳолининг ҳаёт сифати ва даражаси анча юксалади.

Бугун, босиб ўтган йўлимизга назар ташлаб, шу йиллар давомида амалга оширган ишларимиз, шунингдек, истиқбол режаларимизни баҳолар эканмиз, миллий давлатчилигимизни қайта тиклаш, сиёсий ва иктисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг энг оғир ва машаққатли синовларидан муносиб тарзда ўтган, аввало ўз кучи, имконияти ва салоҳиятига таяниб, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллаш йўлида ишонч билан қатъий илгарилаб бораётган буюк ва муқаддас Ватанимиз, мард ва олижаноб халқимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.



**Ислом Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

І Б О Б

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 1990 –2010 ЙИЛЛАРДАГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ

АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КҮРСАТКИЧЛАР

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаб, уни изчил амалга ошириши натижасида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги бошқа кўплаб мамлакатлардан фарқли равишда, ишлаб чиқариш ва ахоли турмуш даражасининг кескин пасайиб, давлатнинг ички ва ташки қарзлари ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл кўйилмасликка эришди. 1991–1995 йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши, МДҲ давлатлари ўртасида энг кам кўрсаткични – 18,8 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, бу рақам Россияда – 53 фоиз, Украинада – 52 фоиз, Белоруссияда – 54,6 фоиз, Қозогистонда эса 75,4 фоизга teng бўлди.

Ўзбекистон иқтисодиёти 1997–2003 йиллар давомида йилига 3,8–5,2 фоиз ўсиш даражасида ўртача суръатлар билан ривожланди. Қулай ишchan муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш жараёнларининг натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти 2004 йилдан эътиборан йилига 7–9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намойиш қила бошлади.

Харид қобилияти паритети (ХҚП) бўйича ЯИМ 2010 йилда 1990 йилга нисбатан 3,4 баробар, яъни 27,1 миллиард АҚШ долларидан 92,3 миллиард АҚШ долларига ошиди.

Қулай ишchan муҳитнинг яратилиши, инвестициялар оқимининг кучайиши нафақат иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш, балки иқтисодиёт таркибида муҳим сифат ўзгаришларининг юз беришини ҳам таъминлади. Хусусан, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш бўйича амалга оширилган

**Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий
кўрсаткичлари**

	Ўлчов бирлиги	1990 йил	2000 йил	2010 йил	1990 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	
					2000 йил	2010 йил
Ялпи ички маҳсулот (харид қобилияти паритети бўйича)	миллион доллар	27106	35277	92326	1,3 марта	3,4 марта
Саноатнинг ЯИМдаги улуши	фоиз	17,6 ¹	14,2	24,0	x	x
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	миллиард сўм	11,1 ²	1387	15811	100,6	182,9
Қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши	фоиз	33,4	30,1	17,5	x	x
Қурилиш ишлари	миллиард сўм	4,2 ²	388,4	8245,8	86,9	2,3 марта
Чакана савдо айланмаси	миллиард сўм	19,8 ²	1788	21873	99,2	2,8 марта
Хизматларнинг ЯИМдаги улуши	фоиз	33,8	37,0	49,0	x	x
Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши	фоиз	0	31,0	52,5	x	x
Асосий капиталга инвестициялар	миллион доллар қийматида	833,8	3142,5	9712,7	3,8 марта	11,6 марта
ЯИМга нисбатан фоизда	фоиз	18,0	22,9	25,0	x	x
Товарлар ва хизматлар экспорти	миллион доллар	442,7	3265	13045	7,4 марта	29,5 марта
ЯИМга нисбатан фоизда	фоиз	3,3	24	33,5	x	x
Товарлар ва хизматлар импорти	миллион доллар	362,9	2947	8800	8,1 марта	24,2 марта
ЯИМга нисбатан фоизда	фоиз	2,7	21,4	22,6	x	x
Ташқи савдо сальдоси	миллион доллар	79,8	317	4245	x	x

Асосий улушни умумиттилоқ бозори учун хомашё ва ярим фабрикатлар
ишлаб чиқариши эгаллаган


² Миллиард рубль

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси


Маълумот учун: 2010 йилда ЯИМнинг номинал ҳажми 61,8 триллион
сўмни ташкил этди



1-расм. 1990 – 2010 йилларда ЯИМнинг ўсиш суръати ва унинг харид қобилияти паритети бўйича ҳажми



2-расм. Истеъмол нархлари индекси
(аввалги йилнинг декабрь ойига нисбатан фоизида)



3-расм. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо айланмасининг ҳажми ва динамикаси

сиёсатнинг натижаси сифатида 2000–2010 йилларда қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 30,1 фоиздан 17,5 фоизга камайиб, саноатнинг улуши 14,2 фоиздан 24 фоизга, хизматлар улуши эса 37 фоиздан 49 фоизга ўсади.

1992–1994 йилларда истеъмол нархларининг ўртача ойлик ўсиши 21–23 фоиз ёки ўртача йиллик ўсиши 1000 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этди.

Мамлакатимизда 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб миллий валютанинг муомалага киритилиши, мустақил бюджет-солик сиёсатининг шакллантирилиши, нархларни эркинлаштириш жараёнининг ниҳоясига етказилиши ва шунингдек, тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар истеъмол нархлари инфляциясини 7–8 фоизга тушириш имконини

берди, бу эса қулай ишчан мұхитни яхшилаш ва инвестицияларни рағбатлантиришда энг мухим омиллардан бири бўлди.


Инвестицион фаоллик кўрсаткичлари кейинги йилларда ишчан мұхитнинг сезиларли даражада яхшилангани ва юқори иқтисодий ўсиш суръатлари барқарор тус олаётганининг ёрқин далилидир. Масалан, ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 1990 – 2000 йилларда 3,8 баробар ошди, 2010 йилда эса 1990 йилга нисбатан 11,6 баробар ортиб, 9,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Ташки савдо айланмаси ҳажмининг ЯИМга нисбати 1990 йилда 6 фоизни, 2000 йилда – 45,4 фоизни, 2010 йилда эса 56,1 фоизни ташкил этди. Агар 1990 йилда экспорт импортга нисбатан 79,8 миллион доллар ортиқ бўлган бўлса, 2009 йилда ташки савдонинг ижобий сальдоси 2333 миллион долларни, 2010 йилда эса 4244,8 миллион долларни ташкил этди.

БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Бюджет соҳасидаги ислоҳотларнинг дастлабки босқичида асосий вазифа мустақил давлатимизнинг ўз бюджет тизимини шакллантиришдан иборат бўлди. Бу, биринчи навбатда, Давлат бюджетининг барқарор даромадларини шакллантириш ва унинг зарур харажатларини молиялаштиришни таъминлайдиган мустаҳкам қонуний ва меъёрий база яратилишини талаб қиласа эди. Шу мақсадда 2000 йилда «Бюджет тизими тўғрисида»ги Конун қабул қилинди, унда Давлат бюджетини режалаштириш, ижро этиш ва назорат қилиш жараёнлари белгиланиб, турли вазирлик ва идоралар, республика ва маҳаллий ҳокимият идораларининг роли ва масъулият соҳалари аник чегаралаб қўйилди. Шунингдек, бу борада қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳам қабул қилинди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини босқичма-босқич ўзгартириш ва эркинлаштириш, илгари давлат зиммасида бўлган бир қанча вазифаларнинг хусусий секторга ўтказилиши Давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги саноат



4-расм. Давлат бюджети даромад ва харажатларининг ЯИМдаги улуси (фоиз ҳисобида)

йўналишларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушининг ортиши бюджет даромадларини бир неча баробар ошириш имконини берди.

Натижада давлат бюджети камомадини кескин камайтиришга эришилди. Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган 1991 йилда Давлат бюджетининг камомади унинг умумий харажатларига нисбатан 44 фоиздан зиёдни ташкил қиласалди. 2005 йилдан бошлиб Давлат бюджетимиз профицит билан бажариб келинмоқда, бу эса макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик йилларида давлат бюджети харажатларининг таркиби сифат жиҳатидан ўзгарди. Ҳозирги вақтда давлат харажатлари таркибида кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни амалга оширишни молиялаштириш асосий ўрин тутади. Натижада ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлашга йўналтириладиган харажатлар

**Давлат бюджети харажатлари таркибининг
ўзгариш динамикаси (фоиз ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Харажатлар, жами	100	100	100
1. Ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга	31,5	42,5	59,0
Шундан:			
таълим	17,9	23,2	33,3
соғлиқни саклаш	10,0	8,7	12,8
2. Иқтисодиёт	40,7	9,2	11,3
3. Инвестиция	16,6	20,4	6,4
4. Бошқа харажатлар	11,2	27,9	23,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

улуши 1990 йилдаги 31,5 фоиздан 2000 йилда 42,5 фоизга ва 2010 йилда 59 фоизга изчил ўсди.

Мустақиллик йилларида давлат бюджети ялпи харажатларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайишига қарамасдан, харажатларнинг ижтимоий йўналтирилгани нафақат сақлаб қолинди, балки сезиларли даражада кучайди. Хусусан, ялпи харажатлар таркибида таълим тизими учун харажатлар 1990 йилдаги 17,9 фоиздан 2010 йилда 33,3 фоизга, соғлиқни саклаш тизими учун харажатлар мос равишда 10 фоиздан 12,8 фоизга кўпайди.

Бунда, умумий бюджет харажатларининг ўсишини ҳисобга олганда, 1995–2010 йилларда Давлат бюджетидан иқтисодиёт ва инвестицияларни молиялаштиришга йўналтирилган ялпи харажатлар солиштирма нархларда 50 фоиздан зиёд ошди. Айни вақтда тадбиркорлик субъектларининг инвестиция фа-

оллигининг сезиларли даражада ўсиши, банк тизими кредит имкониятларининг барқарор кенгайиб бориши ҳамда узок муддатли имтиёзли хорижий инвестиция ва кредитларнинг жалб килиниши ҳисобидан ялпи капитал маблағларининг жадал ўсиши инвестицияларга йўналтириладиган Давлат бюджети харажатлари улушкини камайтириш имконини берди.

Таълим ва соғлиқни саклаш соҳаларида хизмат сифатини янада ошириш мақсадида 2006 йилда ҳалқ таълими ва соғлиқни саклаш, 2008 йилда ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий қилинди. Бунда ушбу соҳалар ходимларининг касб малакаси ва бажарадиган ишининг сифати меҳнат ҳақини белгилашда асосий мезон бўлди.

Меҳнаттага ҳақ тўлаш тизимининг янги механизми жорий қилиниши натижасида 2006–2010 йилларда юксак малакали таълим ва соғлиқни саклаш соҳалари ходимларининг меҳнат ҳақи бюджет соҳаси бошқа ходимларининг иш ҳақига нисбатан кўшимча равишда ўртача 1,5 баробар ва ундан ҳам кўпроқ ошди.

1997 йилдан бошлаб, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида, Давлат бюджети ҳисобидан 1,6 миллиондан зиёд ўқувчи ўрнига мўлжалланган 1,5 мингдан ортиқ касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилди ва замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва жиҳозлар билан таъминланди. Бугунги кунда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг моддий-техник ва ахборот базини сезиларли даражада мустаҳкамлаш, уларни юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлашга эришилди. Ўқув-тарбия жараёнида юксак сифатли ўқув-методик ва илмий адабиётлар, илгор педагогик технологиялардан самарали фойдаланилмоқда.

Таълим соҳасида хизматлар сифатини таъминлашда умумтаълим мактабларининг моддий-техник салоҳияти мухим ўрин тутади. Ушбу вазифалар 2004 йилда қабул қилинган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастурининг устувор йўналишларидан бири бўлди.

2004 – 2010 йиллар давомида дастурни амалга ошириш доирасида 403 та янги мактаб қурилди, 9 мингта мактабда қайта тиклаш ишлари амалга оширилди, 8,5 мингдан ортиқ мактаб мебель, замонавий ўкув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, спорт анжомлари ва бошқа ўкув материаллари билан жиҳозланди.

Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида бирламчи тиббий хизмат кўрсатишнинг икки босқичли шакли жорий қилинмоқда. Соғлиқни саклаш соҳасидаги ислоҳотлар доирасида замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган 3 мингдан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари ташкил қилинди. Тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш дастурларини биргаликда молиялаштириш учун Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки ва хорижий ҳукуматлар, молия ташкилотларининг жами 335,1 миллион доллар миқдоридаги узоқ муддатли имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантлари жалб қилинди.

Марказий бошқарув идораларининг аввало, иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ечиш, бюджет ташкилотлари, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш борасидаги бир қанча ваколат ва вазифаларнинг босқичмабосқич маҳаллий бошқарув органларига ўтказилиши, уларни зарур даромад базаси билан таъминлаш ва бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришни талаб этди.

Худудларнинг фискал тарзда марказлашувини чеклашни таъминлаш, бошқача айтганда, уларнинг даромад салоҳиятини юксалтириш миңтақаларга муайян солиқ тушумларини бириклириб қўйиш ва бюджетлараро муносабатларнинг самарали механизмларини жорий қилиш (бошқариладиган соликлар ва маҳаллий бюджетларнинг айрим харажатларини республика бюджети иштирокида молиялаштириш) йўли билан босқичмабосқич амалга оширилди.

Натижада Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар харажатларининг Давлат бюджети харажатларидаги улуши 1996 йилдаги 54,1 фоиздан 2010 йилда 58,5 фо-

изга етди. Бу, ўз навбатида, маҳаллий бошқарув идораларига ўтказилган харажат ваколатларининг ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлади. Агар 1992 йилда Ўзбекистоннинг аксарият минтақалари дотацияда бўлган бўлса, ҳозирги вақтда республика бюджетидан фақат битта минтақа дотация олади, 2012 йилдан бошлаб эса республиканинг барча минтақалари маҳаллий бюджетлари дотациядан ҳоли бўлади.

Ғазначилик тизими Давлат бюджетини бажаришнинг сарали механизмига айланди. Ушбу тузилмани жорий этиш мақсадида 2004 йили «Давлат бюджетининг газначилик ижроси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Шу даврдан бошлаб Давлат бюджетининг газначилик ижросига ўтиш изчил равишда амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда 214 та ҳудудий бўлинмасига эга бўлган Молия вазирлиги Ғазначилиги фаолият юритмоқда.


2007 йилдан бошлаб республика бюджети ва маҳаллий бюджетларининг барча харажатлари ҳамда давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли фонdlарининг харажатлари, 2010 йилдан бошлаб эса вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари фонdlарининг барча маблаглари, жумладан, бюджет ташкилотларининг ривожланиш фонdlари ва бюджет даромадларининг бир қисми босқичма-босқич тарзда хизмат кўрсатишнинг газначилик шаклига ўтказилди. Яқин йилларда Ғазначилик тизими Давлат бюджетининг даромад ва харажатларини тўла камраб олади, ҳисоб-китоблар ягона ғазначилик ҳисоби бўйича амалга оширилади.

Давлат бюджетининг газначилик ижросига ўтказилиши давлат молия ресурсларини бошқариш механизмининг самарадорлигини ошириш ҳамда такомиллаштириш, ҳисоб ва ҳисбот, пул оқимларини бошқариш тизимини яхшилашни таъминлади, кўрилган бошқа чора-тадбирлар билан бирга бюджет ташкилотларида фискал интизомни мустаҳкамлаш ва бюджет харажатларини оптималлаштириш имконини берди.

Мустақиллик йилларида солиқ сиёсати

Ўзбекистонда солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, солиқ юкини босқичма-босқич камайтириб бориш, солиқ тұловчиларни уларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз арала-шувлардан химоя қилишни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар кўриш билан бир вақтда, солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Мустақиллик йилларида юртимизда кенг миқёсдаги солиқ ислоҳотлари амалга оширилди. Бунинг натижасида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган, давлат бюджетини тўлдиришни ва зарур давлат харажатларини молиялаштиришни таъминлайдиган ва шунингдек, аҳоли даромадлари ўсишини, иқтисодиётни модернизация қилиш, унинг янги тармоклари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантирадиган замонавий солиқ тизими яратилди.




Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги

5-расм. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи максимал ставкасининг пасайиши ва шкаланинг ўзгариши

Иқтисодиётда солик юкининг босқичма-босқич камайтирилиши – олиб борилаётган солик ислоҳотларининг энг муҳим натижаси, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири бўлди. Мисол учун, агар 1994 йили корхоналарнинг даромад солиги ставкаси 45 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб у 9 фоизга тушди.

Бу борада такрорий соликқа тортишга йўл қўймаслик ҳамда хўжалик субъектлари учун солик юкини камайтириш мақсадида илгари даромад солиги тўлашда соликқа тортиладиган базага киритилган иш ҳаки харажатлари ва бошқа бир қатор харажатлар даромад солиги бўйича соликқа тортиш базасидан чиқарилди.

Айни вактда ички талабнинг кенгайиши, аҳоли реал даромадларининг кўпайиши ва турмуш даражасининг янада ошини рағбатлантириш мақсадида соликқа тортиш тизимини




6-расм. Ягона ижтимоий тўлов ставкасининг пасайиши

соддалаштириш ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкасини сезиларли даражада пасайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Масалан, агар мустакилликнинг дастлабки йилларида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи энг юқори – 60 фоизли ставка билан 7-шқала бўйича ҳисобланган ва ундирилган бўлса, ҳозирги пайтда 3-шқала асосида ундирилмоқда, бунда энг юқори солиқ ставкаси 22 фоизни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, хўжалик субъектлари учун ходимларни ёллаш харажатлари камайтирилди: агар ишга ёлловчиларнинг мажбурий ижтимоий суғурта тизимиға (Пенсия жамғармаси, Бандлик жамғармаси ва Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши) тўловлари 1994 йилда иш ҳаки фондининг 40 фоизини ташкил этган бўлса, кейинги йилларда босқичма-босқич 25 фоизга туширилди.



7-расм. Солик юкининг камайиши ва ЯИМнинг ўсиши

Истеъмол талаби ва товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида қўшилган қиймат солиги ставкаси 30 фоиздан 20 фоизга туширилди. Бу жараёнда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва хўжалик фаолиятини жадаллаштириш ҳисобидан бюджетнинг ялпи даромадларида қўшилган қиймат солиги тушуми барқарор равищада ошиб борди.

Бундан ташқари, 1991 йилдан бугунги кунгача ставкаларни пасайтириш билан бир қаторда соликлар унификация қилинди, яъни бирхиллаштирилди ҳамда бир қатор бир-бирини тақрор-лайдиган ва кам самара берадиган солик ҳамда мажбурий тўловлар бекор қилинди.

Натижада ҳозирги вақтда Ўзбекистон асосий солик ставкалари микдори бўйича соликқа тортиш даражаси юқори бўлмаган давлатлардан бири ҳисобланади, жами солик юки эса бизда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21,9 фоиздан ошмайди.

Саноатнинг экспортга йўналтирилган янги тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қи-

3-жадвал

Кичик бизнес субъектлари учун қулай солик муҳитини яратиш

Номланиши	2005 йил	2010 йил
Солик ва мажбурий тўловлар сони	4	1
Ягона солик тўлови ставкаси	15,2 фоиз	7 фоиз
Солик ҳисоботларини тақдим этиш муддати	Ойлик	Чорақлик
Янги ташкил этилган кичик корхонага тақдим этиладиган имтиёз ва преференциялар	–	Ягона солик тўловини 1 йил муддатга кечиктирилган имтиёзли тўлаш
Режалаштирилган текширишларнинг муддати	Хар йили	3 йилга бир мартадан кўп бўлмаган ҳамда фаолият бошлаганидан 2 йилдан кам бўлмаган

лиш, техник ва технологик янгилаш мақсадида мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилиги хўжалик субъектларига даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва божхона тўловлари бўйича кенг миқёсда имтиёзлар яратиб бермоқда.

Кичик тадбиркорлик субъектларини ягона солиқ тўлови (бошқа соликлар, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига,

4-жадвал

1992 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда солиқ тўлови ставкаларининг ўзгариши

Солиқ турлари	1992–2009-йиллардаги энг юқори солиқ ставкалари	2010 йилда ўрнатилган ставкалар	Пасайиш
Кўшимча қиймат солиғи	30 фоиз	20 фоиз	1,5 баробар
Юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи	45 фоиз	9 фоиз	5 баробар
Юридик шахслар учун мулк солиғи	5 фоиз	3,5 фоиз	1,4 баробар
Кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	15,2 фоиз	7,0 фоиз	2,2 баробар
Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	60 фоизгача	22 фоизгача	2.7 баробар
Ягона ижтимоий тўлов	40 фоиз	25 фоиз	1,6 баробар

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Республика йўл жамғармасига ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий тўловлар ўрнига) кўринишидаги соддалаштирилган солиққа тортиш тизими жорий этилиши кичик бизнес ва хуссий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантирадиган қўшимча омил бўлди, ушбу солиқнинг жами ставкаси ялпи тушумнинг 2005 йилдаги 15,2 фоизидан 2011 йилда 6 фоизга туширилди.

Айни вактда, кичик тадбиркорлик субъектларининг солиқ ҳисоботларини тақдим этиш тизими ҳам такомиллаштирилиб, 2005 йилнинг 1 июлидан кичик корхона ва кичик тадбиркорлик

субъектларининг давлат солиқ идораларига тақдим этадиган барча солиқ тўловларининг тақдим этиш даврлари ойлиқдан чоракликка ўзгаририлди.

Давлат бюджети даромадларининг ягона ва уйгун тизимиши шакллантиришда 2008 йилдан бошлаб амалга жорий этилган янги таҳирдаги Солиқ кодекси муҳим роль ўйнади. Ушбу кодекс солиқ тўловчиларнинг қонуний хуқуқларини таъминлашни янада кучайтириш, уларни назорат органларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларидан ҳимояланишини ошириш ва шунингдек, солиқ ҳамда мажбурий тўловларни ҳисоблаш механизми ва тўлаш тартибини такомиллаштиришини кўзда тутади.

Ўтган давр мобайнида, солиқ ставкаларининг пасайиши ва оптималлаштирилиши халқаро андозаларга биноан даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш тизимининг такомиллаштирилиши ҳисобидан тўғридан-тўғри соликларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуси 1995 йилдаги 11,5 фоиздан 2010 йилда 5,7 фоизга туширилди.

Солиқ ислоҳотлари амалга оширилган йиллар мобайнида солиқ юкининг камайтирилишига қарамасдан, солиқ ва бошка мажбурий тўловлар тушумининг баркарор ўсишини таъминлашга эришилди.

Мустақиллик йилларида солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тўланаётган соликлар таркибида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан:

- табиий ресурслардан, биринчи навбатда ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ соликлар улуси сезиларли даражада ошди;

- умумий солиқ тушумлари ҳажмида жисмоний шахсларнинг даромад солиги улуси кўпайди;

- даромад (фойда) солиги улуси қарийб икки баробар пасайди ва бу солиқ ставкасининг 5 баробардан ортиқ пасайиши ҳамда солиқقا тортиш базасидан чиқариб ташланадиган харатлар рўйхатининг кенгайиши билан боғлиқ;

– ягона ижтимоий тўлов улуши сезиларли даражада камайди, бу унинг ставкалари бир ярим баробардан ортиқ пасайиши билан боғлиқ;

– солиқ ставкалари икки баробар пасайтирилган бир пайдада, кичик бизнес субъектлари томонидан тўланаётган солиқлар улуши кўпайди.



8-расм. Солиқ ставкаларининг пасайиши ва ягона солиқ тўлови бўйича тушумларнинг ошиши

БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

1995 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонун нафақат банк тизими-нинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади, балки Марказий банкнинг алоҳида мақоми, мақсад ва вазифалари ҳамда ваколатларини аниқ белгилаб берди. 1996 йилда қабул қилинган

Ўзбекистон Республикасининг «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги Конуни банк тизимидаги иккинчи босқич институтлари – тижорат банклари фаолиятининг ҳуқукий жиҳатларини белгилаб берди. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан банк фаолияти учун бир қатор имтиёз ва рағбатлантиришлар берилди ва шу асосда юртимизда жисмоний шахсларнинг улуши 50 фоиздан кам бўлмаган хусусий банклар очила бошлади.

2011 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистонда 31 та тижорат банки фаолият кўрсатмоқда, улардан 3 таси – давлат, 13 таси – тижорат-акциядорлик банки, 10 таси – хусусий ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар бўлиб, улар 9,3 мингта филиалга, мини банк ва чакана оғисларига эга.


5-жадвал

**Банк муассасаларининг ривожланиш динамикаси
(йил охирида)**

Кўрсаткичлар	1990 йил	1995 йил	2000 йил	2005 йил	2010 йил
Тижорат банклари сони	16	32	35	29	31
Тижорат банклари муассасалари сони	2 389	3 171	4 234	7 028	9293

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки


Мамлакатимиз тижорат банклари ялпи капиталининг баркарор ўсиши ва банк активлари портфелини бошқариш соҳасида юритилаётган мутаносиб сиёsat натижасида, банк тизимида банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан уч баробар кўп бўлган капиталнинг етарлилик даражаси кўрсаткичини таъминлади. Юртимизда 1995–2010 йиллар давомида ялпи капиталнинг реал ўсиши 12,5 баробарни ташкил этди, бу эса банкларнинг капитал базаси мустаҳкамланганидан далолат беради. Бу, ўз навбатида, уларнинг тўлов кобилиятига ижобий таъсир кўрсатади.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

9-расм. Банк тизимининг асосий кўрсаткичлари


Банк тизимида 1995 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда депозитлар базаси солиштирма кўрсаткичларда 13 баробар ошди. Тижорат банклари ялпи депозитларининг юқори даражада ўшиши аҳоли омонатларини жалб қилишнинг юқори суръатлари билан изоҳланади, бу шубҳасиз, аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи янада ортиб бораётганидан далолатdir. 2010 йилнинг охирида аҳолининг мамлакатимиз тижорат банкларига кўйган омонатлари ҳажми 4447 миллиард сўмни ташкил этди ва бу солиштирма нархларда 1995 йил кўрсаткичларидан 52 баробар кўпdir. Жисмоний шахслар томонидан банк муассасаларида очилган банк ҳисоб рақамлари сони 1995–2010 йилларда 16 баробар қўпайди ва 2010 йил якунларига кўра, катта ёшдаги ҳар 1000 кишига 1012 тани ташкил этди, бу халқaro амалиётда юқори кўрсаткич ҳисобланади.



10-расм. Тижорат банклари кредитлар портфелининг ўсиши

2000 йилда банклар кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шаклланган бўлса, 2010 йилда кредит портфелининг 85,1 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилди. Шу билан бирга, банклар кредит портфелининг 75,2 фоизини уч йилдан кўп бўлган узок муддатли инвестиция кредитлари ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг молиявий кўрсаткичлари ва Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг асосий параметрлари халқаро рейтинг компанияларининг талаб ва мезонларига мос келади. Бу эса, 2010 йилда умумий активлари банк тизими жами активларининг 90 фоизидан зиёдини ташкил этадиган 15 та тижорат банки учун «Фитч Рейтинге», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг




Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

*11-расм. Тижорат банкларининг уч йилдан ортиқ муддатга берилган кредитлари улуши
(банклар ялпи кредит портфелига нисбатан фоизда)*

агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олишга эришиш имконини берди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда энг юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган тўловларни амалга ошириш тизими яратилди. Агар 1990 йилда тўловларни амалга ошириш учун бир кун, баъзан ҳатто ҳафталар кетган бўлса, 1997 йилдан бошлаб бир неча дақиқаларда барча ҳисоб-китобларни тўлиқ автоматлаштирилган тартибда амалга ошириш имконини берадиган янги тўлов тизими фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон тўлов тизими дунёдаги энг замонавий тизимлардан бири бўлиб, у барча тўловларни реал вақт режимида амалга оширади.

Мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг ривожланишида тўловларни пластик карточкалар воситасида амалга ошириш тизимининг яратилгани муҳим ўрин тутмокда. Сўмдаги пластик карточкалар дастлаб 1996 йилда пайдо бўлди ва банкдаги ҳисоб рақамлари бўйича қўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлган банк мижозлари учун қулиялиги сабаб-




12-расм. Муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони ва улардан фойдаланиш орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми динамикаси

ли кенг қўллана бошланди. Ҳозиргн вактда муомаладаги банк пластик карточкалари сони қарийб 8 миллион донани ташкил этмоқда.

Бугунги кунда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган, пластик карточкаларга хизмат кўрсатадиган терминаллар сони 86 мингтага етди.

Айни пайтда тижорат банклари томонидан банк хизматлари кўлами мунтазам кенгайтириб борилмоқда ва мижозлар учун қулай янги хизмат шакллари жорий этилмоқда. Улар банк ҳисоб рақамлари эгаларига реал вақт тартибида ўз ҳисоб рақамлари хақидаги маълумотларни мобиль ва электрон алоқа воситалари орқали олиш имконини бермоқда. Банклар томонидан аҳоли пунктларида мингдан ортиқ инфокиоскалар ўрнатилган,



Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

13-расм. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга берилган кредит ва микрокредитлар ҳажми динамикаси

улар орқали мижозлар тўловлар, жумладан, коммунал хизмат тўловларини мустакил тарзда амалга оширишлари мумкин. Бундан ташқари, банк мижозларига қуляйликлар яратиш мақсадида «Банк – мижоз» дастури жорий қилинган. Ушбу дастур ҳар куни банкда катта ҳажмдаги ҳисоб-китобларни амалга оширадиган 5 мингдан зиёд йирик корхоналарга банкдаги ўз ҳисоб рақамларини иш жойидан туриб бошқариш ва улар ҳақида зарур маълумотлар олиш имконини бермоқда.

Банк тизимининг мустақиллик йилларида фаол ривожланиши натижасида тижорат банкларининг мижозлари сони 18,5 баробар кўпайди ва 18,8 миллионни ташқил этди. Жумладан, жисмоний шахс мақомидаги мижозлар 19,2 баробар кўпайиб, 17,5 миллион кишига етди.



14-расм. Банқдан ташқари кредит ташкилотлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

Кейинги вақтда мамлакатимизда банк кредит муассасалари билан бир қаторда, банқдан ташқари кредит муассасалари (кредит уюшмалари, ломбардлар ва микрокредит ташкилотлари) тизими хам ривожланмоқда.

Банқдан ташқари кредит ташкилотлари тизимининг шаклланиши, Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги ва «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонунларининг қабул қилиниши билан бошланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда жами активлари ҳажми 351 миллиард сўмни ташкил этадиган 209 та банқдан ташқари, кредит институти ҳам фаолият кўрсатмоқда.

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖИННИНГ АСОСИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ

ЯИМнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркиби

Ўтган аср 90-йилларининг биринчи ярмида собиқ Иттифоқ республикаларидағи аксарият саноат корхоналари фаолиятининг тўхтаб қолиши ва уларнинг банкротга учраши хомашё ва бутловчи қисмларга бўлган буюртмаларининг каттагина қисмидан маҳрум бўлган Ўзбекистон саноат корхоналарининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Бундай вазият таркибий қайта қуришлар, саноатни диверсификация қилиш ва экспорт бозорларини янгитдан белгилаб олишни талаб этадиган давр мобайнида саноат ишлаб чиқаришининг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг вақтинча камайишига олиб келди.

Иқтисодиёт тармоқларини саноат асосида ташкил этиш, модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича

6-жадвал

Ялпи ички маҳсулотнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркиби (фоиз ҳисобида)

	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Жами	100	100	100
Саноат	17,6	14,2	24,0
Қишлоқ ҳўжалиги	33,4	30,1	17,5
Курилиш	5,8	6,0	6,4
Транспорт ва алоқа	5,2	7,7	12,4
Савдо	4,5	10,8	9,0
Бошқалар	22,2	18,7	23,7
Соф солиқлар	11,3 ¹	12,5	7,0

¹ Маҳсулотларга марказлашган субсидиялардан ташқари

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

2000 – 2010 йилларда қабул қилинган чора-тадбирлар мамлакатимизда саноатнинг автомобилсозлик, нефть ва газ-кимё, темир йўл машинасозлиги каби янги тармоқларининг яратилиши 2010 йилга келиб саноат маҳсулотлари умумий ҳажмининг ўсиши ҳамда ЯИМ таркибида саноатнинг улуши 24 фоизга етшини таъминлади.

Ишлаб чиқариш ҳажмининг 2000 – 2010 йиллардаги барқарор ўсиши туфайли қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди. Ушбу кўрсаткич бўйича миллий иқтисодиётимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ЯИМ таркибида 10 фоиздан ошмайдиган, дунёning жадал ривожланаётган давлатларига якинлашиб бормоқда.

Иқтисодиётимизда юз бераётган сифат ўзгаришларининг яна бир муҳим жиҳати – хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланишидир.

Мустақиллик йилларида хизматлар таркибида бизнинг иқтисодиётимиз учун деярли янги бўлган замонавий банк тизими, аудит, сугурта, лизинг, консалтинг, мобиль ва видеотелефон хизматлари, интернет каби хизмат кўрсатиш соҳалари пайдо бўлди. Агар хизматлар улуши 1990 йили ялпи ички маҳсулотда 33,8 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилда 37 фоиз, 2010 йилга келиб эса 49 фоизга етди.

Саноатнинг ўсиш суръатлари ва тармоқ таркиби

Собиқ совет хўжалик юритиш тизимининг барҳам топиш давридаги бир оз пасайишдан сўнг юртимизда 1996 йилдан бошлаб саноат ишлаб чиқариши ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми 2009 йилда 1990 йилдагига нисбатан 2,7 баробар, 2010 йилда эса 3 баробар ўсади.

Мустақиллик йилларида юртимизда автомобилсозлик, нефт-газкимё саноати, нефтгаз машинасозлиги, замонавий қурилиш

**Саноат тармоқлари ишлаб чиқариш суръатининг ўсиши,
фоиз (1990=100 фоиз)**

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Саноат – жами	100	123,6	3,0 марта
Ёқилғи саноати	100	127,3	2,2 марта
Қора металлургия	100	58,8	1,5 марта
Рангли металлургия	100	107,4	113,4
Кимё ва нефть-кимё саноати	100	97,5	2,9 марта
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати	100	142,2	11,6 марта
Ўрмон, ёгочни қайта ишлаш ва цеплюпоза-қоғоз саноати	100	2,5 марта	13,4 марта
Қурилиш материаллари саноати	100	58,4	1,3 марта
Енгил саноат	100	159,2	3,8 марта
Озиқ-овқат саноати	100	150	5,7 марта
Бошқа соҳалар	100	162,6	5,4 марта

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, майший электротехника, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат саноати ва енгил саноат каби бир қатор мутлақо янги саноат тармоқлари яратилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида автомобилсозлик саноати алоҳида ўрин эгалламоқда. Бу тармоқ Асака шаҳрида АҚШнинг «Женерал Моторс» компанияси билан ҳамкорликда енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган, Тошкент шаҳрида Германиянинг дунёга машҳур «Даймлер Бенц» ва Самарқанд шаҳрида Япониянинг «Исузу» компаниялари билан ҳамкорликда автобуслар ишлаб чиқарадиган ҳамда Самарқанд шаҳрида Германиянинг «МАН» компанияси билан ташкил этилган юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган янги заводларни ўз ичига олади. Ана шундай ўзгаришлар натижасида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1990–2010 йилларда 11,6 баробар ўсади.

Фақат охирги 10 йилнинг ўзида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш 7,1 баробар, автобуслар – 2,6 баробар ва юк автомобиллари тайёрлаш – 12,9 баробар ошди.

Нефть қазиб чиқариш ва нефтни қайта ишлаш саноатининг яратилиши мамлакатимизнинг энергетик хавфсизлигини таъминлади. Нефть ва газ конденсати қазиб олиш 1990 йилга нисбатан 1,4 баробар ўсди. Табиий газ ишлаб чиқариш суръати 1990–2010 йиллар давомида 1,6 баробар, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажми эса 15,2 баробар кўпайди.

Энергетика мустақиллигини таъминлаш ҳамда нефть ва газни қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш дастури доирасида, истиқлол йилларида энг замонавий технологияларга эга бўлган чет эл компаниялари билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи («Текнип», Франция) ва Шўртангазкимё мажмуаси («АББ») барпо этилди, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи тўлиқ реконструкция қилинди. Газ-кимё тармоғининг ташкил этилиши табиий газни қайта ишлашни чуқурлаштириш ва турдош тармоқларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш имконини яратди.

Қўнғирот сода заводида 2006 йилдан бошлаб кальцийли сода, Самарқанд кимё заводида нитрокальцийфосфат ўғити ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 2010 йилда минтақамизда ягона бўлган Дехқонобод калийли ўғитлар заводи ишга туширилди.

1990–2010 йиллар давомида ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 13,4 баробар, озиқ-овқат саноатида – 5,7 баробар, енгил саноатда – 3,8 баробар ўсди.

1990 йилга нисбатан ип-калава ишлаб чиқариш 2,2 баробар кўпайди. Гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилда 21 миллион квадрат метрдан зиёд бўлди, бу эса 2000 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан 13,6 баробар кўпидир.

Ўтиш даврининг мураккаб шароитида макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида иқтисодиётнинг ба-

Қайта ишлаш саноатида саноат маҳсулотлари айрим турларининг ишлаб чиқарилиши

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	1990 йил	2000 йил	2010 йил	2010 йил 1990 йилга нисбатан
Кальцийланган сода	минг тн.	0	0	90,4	
Полиэтилен	минг тн.	0	0	129,2	
Мис	минг тн.	77,0	79,5	86,3	1,1 марта
Кучли ток кабеллари, радиочастотали ва алоқа тизими учун кабеллар	км.	18301	5545	115398	6,3 марта
Автомобиллар	дона	0	31285	220313	
Шу жумладан:					
Енгил автомобиллар	дона	0	30700	217733	
Автобуслар	дона	0	483	1268	
Юк автомобиллари	дона	0	102	1312	
Телевизорлар	дона	0	29315	96700	
Компьютерлар	дона	0	0	124000	
Лист ҳолидаги ойна	минг кв.м.	2480	3120	12599	5,1 марта
Шакар	тн.	0	10169	286055	
Ош тузи	тн.	0	28367	58613	
Папирос ва сигаретлар	миллион дона	4370	7766	13949	3,2 марта
Алкоголсиз ичимликлар	минг дал.	17499	17508	42968	2,5 марта
Пахтадан ил-калава	минг тн.	104,4	135,1	225,6	2,2 марта
Гиламлар ва гилам маҳсулотлари	минг кв.м.	1982	1594	21650	10,9 марта
Дори-дармон воситалари	миллион сўм	200,5	5219,2	160147	3,5 марта
Мебель	миллион сўм	462,2	12578,6	160279	1,6 марта

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

завий тармоқлари, хусусан, нефть, газ, олтин қазиб олиш, рангли металлургия, кимё ва нефть-кимё саноатини жадал ривожлантириш учун давлат барча шарт-шароитларни яратиб берди. Натижада чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди ва Ўзбекистон саноатининг тармоқ таркиби анча диверсификация қилинди ва мутаносиблашди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси аниқ-равшан белгилаб олинди. Мазкур стратегия замирида қишлоқ хўжалигинн диверсификация қилиш, пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, юртимиз аҳолисини озиқовқат маҳсулотлари, биринчи навбатда галла билан таъминлаш, бир сўз билан айтганда, озиқ-овқат мустақиллигига эришиш вазифаси мужассам эди.

1998 йилда қишлоқда фаол институционал ўзгаришлар босқичи бошланди. Аграр ислоҳотлар ҳамма жойда бозор му-

9-жадувал

ЯИМда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улуши (фоиз)

	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Ялпи маҳсулот, жами	33,4	30,1	17,5
Пахта хомашёси	15,9	3,6	1,9
Дон	1,4	3,4	2,0
Картошка	0,3	0,8	1,4
Сабзавотлар	1,3	2,4	2,3
Полиз маҳсулотлари	0,5	0,3	0,3
Мева	0,7	0,9	1,1
Узум	0,8	0,8	0,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари асосида Иқтисодиёт вазирлиги ҳисобламаси

носабатларини жорий қилиш ва хусусий мулк шаклини ривожлантиришга қаратилди.

Зарар кўриб ишлаётган ҳамда самараси паст жамоа ва кооператив хўжаликлари тугатилиб, уларнинг ерлари узок муддатли ижарага хусусий фермер хўжаликларига ёки умрбод мерос хуқуки билан дехқон хўжаликларига берилди.

Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун давлат томонидан катта имтиёзлар берилди, хусусий фермер хўжаликларининг экин майдонларини мақбуллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, пахтанинг тезпишар ва серхосил навларини яратиш, шунингдек, пахта навларини ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-икълим шароити ва сув билан таъминланиш даражасини инобатга олган ҳолда районлаштириш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Аграр соҳадаги ислоҳотлар натижасида хусусий фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва уларга мерос хуқуки билан узок муддатга ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишини рағбатлантирадиган хуқукий шарт-шароит ва кафолатлар яратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида фермер хўжаликларига ер майдонларини 50 йил муддатга ижарага бериш мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор принципларига тўлиқ жавоб берадиган ва фермер хўжаликлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан тушган ўз даромадлари ҳисобидан барча харажатларни қоплашда молиявий маблағлардан фойдаланиш усули ва шаклини танлашда уларнинг мустақиллигини таъминлайдиган ишончли тизим яратилди.

Аграр соҳадаги ислоҳотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш – ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлигининг ошиши учун замин бўлмоқда.



15-расм. Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда дехқон ва хусусий фермер хўжаликларининг улуши (фоиз)

Ўзбекистон олимлари томонидан мустақиллик йилларида юздан ортиқ ингичка ва ўрта толали «Бухоро-6», «С-6524», «Наманган-77», «Ан-Боёвут-2», «Бухоро-8», «Бухоро-102» каби серхосил пахта навларининг яратилиши ҳосилдорликни сезиларли даражада ошириш имконини бермоқда. Ушбу навлар тезпишарлиги, турли касаллик ва қишлоқ хўжалик зараркундаларига чидамлилиги, юксак тола сифати билан ажralиб туради ва жаҳон бозорида уларга талаб катта бўлмоқда.

Қишлоқда хусусий фермер хўжаликларининг талаблари асосида барча турдаги зарур хизматларни кўрсатиш имкониятига эга бўлган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси жадал ривожланди. Шу давр мобайнида қишлоқларда 1424 та мини банк, 1714 та муқобил МТП, 2324 та ёқилғимойлаш материаллари ва минерал ўғитлар сотиши шохобчалари, 1711 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 300 та консалтинг маркази ва бошқа инфратузилмалар ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш борасида аниқ мақсадга қаратилган ишлар натижасида куйидаги ютуқларга эришилди:

**Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг хўжалик шакллари
бўйича тақсимланиши (минг гектар)**

	1990 йил	2000 йил	2010 йил
ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ			
Жами экин майдони	216,5	401,5	471,5
Дон экинлари	37,8	195,4	217,6
Шундан бошоқли дон	11	161,1	186,5
жумладан, буғдой	7,4	156,3	178,4
Техник экинлар	6,1	7	8,0
Картошка	12,6	40,8	54,3
Сабзавотлар	64,2	86,7	112,6
Полиз	15,5	15,5	20,4
Чорва учун озуқабол экинлар	80,3	56,1	58,6
ХУСУСИЙ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ			
Жами экин майдони	—	632,2	3143,0
Дон экинлари	—	255,0	1422,4
Шундан бошоқли дон	—	216,0	1339,0
жумладан, буғдой	—	211,1	1262,0
Техник экинлар	—	307,0	1381,1
жумладан, пахта	—	299,2	1320,8
Картошка	—	2,6	15,7
Сабзавотлар	—	8,4	59,1
Полиз	—	6,5	26,4
Чорва учун озуқабол экинлар	—	52,4	238,3
БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИ¹			
Жами экин майдони	3974,0	2744,6	93,9
Дон экинлари	970,0	1163,6	39,3
Шундан бошоқли дон	717,5	1040,4	34,4
жумладан, буғдой	425,7	988,4	25,9
Техник экинлар	2278,0	1198,5	27,9
жумладан, пахта	2237,9	1145,3	21,7
Картошка	29,3	8,8	0,7
Сабзавотлар	76,0	34,8	1,3
Полиз	64,2	14,9	1,1
Чорва учун озуқабол экинлар	548,5	320,5	23,5

¹ 1990 йил – соҳеҳозлар, колхозлар, ёрдамчи хўжаликлар; 2000 ва 2010 йиллар – вазирлик ва идоралар тасарруфида бўлган маҳсус ширкатлар, қоракўчлилик хўжаликлари, ёрдамчи хўжаликлар

**Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги
(гектарига центнер ҳисобида)**

	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Пахта хомашёси	22,6	21,8	25,6
Дон экинлари	20,2	28,2	44,2
Картошка	80,0	129,3	194,9
Сабзавотлар	192,0	183,8	252,5
Полиз	115,0	132,4	192,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Даёлат статистика қўмитаси

кишлоп хўжалиги маҳсулотларининг ялпи ҳажмида асосан дехкон хўжаликларида қорамоллар сонининг ошиши ҳисобидан чорва маҳсулотларининг улуши 1990 йилдаги 36,6 фоиздан 2010 йилда 40,6 фоизга етди, бу эса гўшт ишлаб чиқариш ҳажмининг 789,1 минг тоннадан 1461,4 минг тоннага (1,9 баробар кўп), сутнинг 3034,2 минг тоннадан 6169 минг тоннага (2 баробар), тухумнинг 1231,8 миллион донадан 3061,2 миллион донага (2,5 баробар) кўпайиши учун самарали таъсир кўрсатди;

пахта хомашёсининг ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидаги улуши кисқариб, 47,7 фоиздан 11,1 фоизга тушди, дехкончилик ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари улушининг ўсиши, асосан уларнинг ҳосилдорлик ва маҳсулдорлик даражасининг ошиши ҳисобидан таъминланди;

галла майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш натижасида бошқоли дон етиштириш ҳажми 1990 йилги 2038,2 минг тоннадан 2010 йилда 7504,3 минг тоннага етди;

картошка – 5 баробар, полиз маҳсулотлари – 1,2 баробар, мева – 2,6 баробар, узум – 1,3 баробар ортди;

кишлоп хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга ихтисослашган замонавий минитехнологиялар билан жи-

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш


	Ўлчов бирлиги	1990 йил		2000 йил		2010 йил	
		ҳажми	тар- киби, фоиз	ҳажми	тар- киби, фоиз	ҳажми	тар- киби, фоиз
Ялпи маҳсулот, жами	млрд. сўм	11,1 ¹	100	1387,2	100	15810,7	100
шу жумладан:							
Пахта хомашёси	минг тн.	5057,7	47,7	3002,4	11,8	3442,8	11,1
Дон	минг тн.	2038,2	4,1	4101,4	11,4	7504,3	10,8
Картошка	минг тн.	336,4	1,0	731,1	2,8	1694,8	8,6
Сабзавот	минг тн.	2842,5	3,8	2644,7	8,1	6346,5	16,3
Полиз	минг тн.	1000,0	1,4	451,4	1,0	1182,4	2,1
Мева	минг тн.	660,4	2,0	790,9	3,0	1710,3	4,7
Узум	минг тн.	744,7	2,5	624,2	2,6	987,3	4,5
Гўшт (тирик вазнда)	минг тн.	789,1	20,1	841,8	23,8	1461,4	24,9
Сут	минг тн.	3034,2	10,0	3632,5	14,9	6169,0	11,5
Тухум	миллион дона	1231,8	1,1	1254,4	3,0	3061,2	2,7
Жун	минг тн.	25,8	2,3	15,8	0,1	26,5	0,1

¹ миллиард руб.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

хозланган корхоналар ташкил этилди. Натижада мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми 2000 йилга нисбатан 3 баробар ошиди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида мелиорация тизимларини қуриш ва реконструкция килиш чора-тадбирларини амал-



Манба: Ўзбекистон Республикаси Иктисадиёт вазирлиги

16-расм. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажмининг ўсиш динамикаси

га оширишга комплекс ёндашувни таъминлашга қаратилган 2008–2012 йилларда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури қабул қилинди. Мелиорация ишларини молиялаштиришнинг ишончли механизмини таъминлаш мақсадида, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ташкил этилди. Ерларнинг унумдорлигини ошириш борасидаги ишларни молиялаштириш йўли билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига давлат ёрдамини кўрсатиш мазкур жамғарманинг асосий вазифасидир.

Куйидагилар қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг сифат натижаси тариқасида намоён бўлди:

ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди – асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлиги ўси;

хусусий фермер хўжаликларида рентабеллик ортди ва озиқ-овқат маҳсулотларини барқарор тарзда ишлаб чиқариш масаласида мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган даражада ижобий ўзгаришлар юз берди.

Замонавий хизмат турларининг ривожланиши

Мустақиллик йилларида хизмат кўрсатиш соҳаси Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг энг истиқболли ва жадал ривожланиб бораётган тармогига айланди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-640-сонли қарори билан тасдиқланган дастурнинг қабул қилиниши хизматларнинг жадал ўсиб боришида муҳим босқич бўлди.

Мамлакатимизда 1990–2010 йилларда хизмат кўрсатиш хажми 2,4 баробар ошди. Сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан жадал ўсиши кузатилмоқда, натижада мазкур соҳанинг мамлакатимиз иқти-



17-расм. ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуси (фоиз)

содиётидаги улуси ортиб бориши кузатилмоқда. Агар 1990 йилда хизматлар кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуси 33,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 49 фоизни ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида замонавий хизмат турлари улусининг ортиши билан боғлиқ равишда сифат ўзгаришлари кузатилмоқда. Юқорида зикр этилган дастурни амалга ошириш йилларида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари йилига ўртacha 132,7 фоизлик ўсиш суръати билан 3,1 баробар ўсади. Телекоммуникация тармоқлари, алоқа каналлари, Интернет тармогига жамоавий уланиш шохобчалари, кабель ва эфир-кабель телевидениеси хизматлари, рақамли технологиялар билан жиҳозланган ахборот инфратузилмалари тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон мобиль алоқа тизимининг ривожланиш кўрсаткичлари бўйича дунёдаги етакчи ўнта мамлакат сирасига киради. 2010 йили юртимиизда мобиль алоқа тармогидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 2000 йилдагига нисбатан 238 баробар кўпайиб, 22,7 миллион кишидан ошди. 2000 йилда республикамиз аҳолисининг мобиль алоқа телефонлари билан таъминланиш даражаси ҳар 1000 нафар аҳолига 4 донадан кам бўлган бўлса, 2010 йилда ҳар минг нафар одамга 800 донадан зиёд телефон тўғри келди. Кучли рақобат муҳитининг шакллангани ва мобиль алоқа абонентлари сони ортиб бораётгани туфайли мобиль алоқа хизматининг тариф нархлари пасаймоқда. Масалан, 2000 – 2010 йиллар мобайнида тариф нархлари АҚШ доллари ҳисобида ўртacha 8–10 баробар арzonлашди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон МДХ давлатлари ичida биринчи бўлиб рақамли телевидениега тўлиқ ўтиш бўйича кенг кўламли дастурни амалга оширишга киришди ва бу борадаги ишлар 2015 йилда якунланади.

Айни вақтда стационар, яъни муқим телефон алоқаси ҳам ривожланиб бормоқда. 2010 йилда рақамли АТСлар сони 2006 йилга нисбатан 2,2 баробар кўпайиб, 1073 тани ташкил этди.

Бугунги кунда республикамизда Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 7,4 миллион кишини ёки ҳар минг кишига 262 нафар фойдаланувчини ташкил этмоқда. Ахборот узатиш бўйича, жумладан, Интернет тармоғига уланиш хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектлари сони 1052 тага етди, Интернет тармоғидан жамоавий фойдаланиш шохобчаларининг умумий сони эса 985 тани ташкил этмоқда.


Ўзбекистон суғурта бозорида 33 та суғурта компанияси, уларнинг 890 та ҳудудий бўлинмаси, 1250 та агент-юридик шахс, 5659 нафар агент-жисмоний шахс ва суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари фаолият юритмоқда. Мамлакатимиз суғурта секторида банд бўлган ходимларнинг сони 10 минг кишидан ортади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лизинг фаoliyatiни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 28 августда имзоланган ПФ-3122-сонли Фармони асосида юртимиизда лизинг операциялари

13-жадвал

Суғурта бозори ривожининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2000 йил	2005 йил	2009 йил	2010 йил
Суғурта компаниялари сони	27	25	33	33
Умумий устав маблағи (миллиард сўм)	23,2	89,3	178,6	207,2
Суғурта мукофотлари қиймати (миллиард сўм)	8,3	42,6	146,1	171,4
Суғурта мажбуриятлари ҳажми (миллиард сўм)	1720,6	18900	54786,9	69139,7
Суғурта тўловлари ҳажми (миллиард сўм)	2,7	4,7	20,7	27,0
Суғурта компаниялари инвестициялари ҳажми (миллиард сўм)	40,9	163,9	270,4	298,8



18-расм. Лизинг хизматлари ривожининг асосий кўрсаткичлари

фаол ривож топмоқда. 2002–2010 йиллар мобайнида лизинг хизмати кўрсатувчи компаниялар сони 15 тадан 86 тага кўпайди, лизинг операцияларининг йиллик ҳажми эса 13 баробардан зиёд ошди. Шу даврда лизинг операцияларининг умумий ҳажми 8 баробар ортди ва 1,6 триллион сўмни ташкил этди.

ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ

Макроиктисодий барқарорликка эришилиши, иқтисодий ва институционал ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда мамлакатимизда инвестиция муҳитининг яхшиланиши инвестиция фаоллигининг сезиларли даражада кучайишига ва иқтисодиётимизга йўналтирилаётган капитал кўйилмалар ҳажмининг 2010 йилда 1990 йилдагига нисбатан 11,6 баробар ўсиши учун имкон берди.

Айниқса, молиялаштириш манбалари бўйича инвестициялар таркибида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Иқтисодиётимиздаги анча юқори ўсиш суръатлари ҳисобидан марказлашмаган

Капитал қўйилмалар динамикаси ва таркиби

	Капитал қўйилмалар (миллион доллар)			Капитал қўйилмалар таркиби (фоиз)		
	1990 йил	2000 йил	2010 йил	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Капитал қўйилмалар	833,8	3142,5	9712,7	100	100	100
Шу жумладан						
Давлат бюджети, бюджетдан ташкари фондлар маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар	386,1	958,1	1266,6	46,3	30,5	13
Марказлашмаган инвестициялар:	447,7	1456,9	5621,6	53,7	46,3	57,9
Корхоналар маблағлари	342,7	852,9	3124,4	41,1	27,1	32,2
Аҳоли маблағлари	105,0	376,6	1554,2	12,6	12,0	16
Банк кредитлари ва бошқа кредит маблағлари	–	227,4	943,0	–	7,2	9,7
Хорижий инвестициялар ва кредитлар	–	727,5	2824,5	–	23,2	29,1
шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	–	105,2	2454,7	–	3,4	25,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

манбалар, биринчи навбатда хусусий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши ортиб бормоқда.

Агар 1990 йилда мамлакатимизнинг инвестиция портфелида хорижий инвестициялар деярли мавжуд бўлмаган бўлса, 2000 йилда инвестиция ва кредитларнинг улуши 23,2 фоизни, жумладан, хукумат кафолати билан жалб этилган хорижий инвестиция ва кредитлар 19,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эса 3,4 фоизни ташкил қилди.

Хорижий инвесторлар учун яратилган қулай бизнес мухити, кенг ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар тизими, хорижий инвестициялар иштироқидаги корхоналарни рағбатлантиришга қаратилган бутун бир чора-тадбирлар мажмуаси мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини тубдан кўпайтириш имконини берди. Натижада 2010

**Иқтисодиёт тармоқлари бўйича капитал қўйилмалар таркиби
(фоиз ҳисобида)**

	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Жами	100	100	100
Ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича	58,3	57,5	73,5
Ёқилғи-энергетика	5,2	7,6	11,8
Металлургия	0,1	2,7	5,5
Кимё ва ёқилғи-кимё	1,4	7,9	1,2
Машинасозлик	3,6	4,1	3,4
Енгил саноат	2,5	2,4	2,5
Озиқ-овқат саноати	2,3	2,5	1,7
Қурилиш материаллари	1,7	0,3	2,5
Қишлоқ хўжалиги	26,7	5,7	3,5
Транспорт ва алоқа	5,4	16,8	29,9
бошқа соҳалар	9,4	7,5	11,5
Ноишлаб чиқариш тармоқлари бўйича	41,7	42,5	26,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Йилда хорижий инвестицияларнинг жами капитал қўйилмалар таркибидаги улуши 29,1 фоизни, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 25,3 фоизни ва ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар 3,8 фоизни ташкил этди.

Агар 1990 йилда иқтисодиётга киритилган инвестицияларнинг 46 фоиздан ортиги давлат бюджети, бюджетдан ташқари фонdlар ва бошқа марказлашған манбалар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, 2010 йилда марказлашған молиялаштириш манбаларининг жами капитал қўйилмалар ҳажмидаги улуши 13 фоизга тушди. Бу жараёнда давлат бюджети ва бошқа марказлашған манбалар ҳисобидан йўналтирилган умумий инвестициялар ҳажми 3,3 баробардан зиёд ортди.

1990 – 2010 йилларда, иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган сиёsat натижаси сифатида ишлаб




Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

19-расм. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш динамикаси

чиқаришга жалб қилинган инвестицияларнинг улуши ўсиб, умумий капитал қўйилмалар ҳажмидаги 58,3 фоиздан 73,5 фоизга етди.

Фаол инвестиция сиёсати иктисадиётни таркибий ўзгартиришнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Ўзбекистоннинг инвестиция стратегиясида янги ва юксак технологияларга асосланган, илфор технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларимизни чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилмоқда.

1990–2010 йиллар давомида инвестициялар таркибида ёқилги-энергетика соҳасини (5,2 фоиздан 11,8 фоизга), транспорт ва алоқа соҳасини (5,4 фоиздан 29,9 фоизга) ҳамда метал-



20-расм. 1990 – 2010 йилларда капитал кўйилмалар таркибининг молиялаштириш манбалари бўйича ўзгариши

лургия соҳасини (0,1 фоиздан 5,5 фоизга) ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар улуши ортди. Янги ишлаб чиқариш обьектларини ташкил этиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш кохоналарини модернизация қилиш учун машинасозлик, металлургия, кимё ва ёқилғи-кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати соҳаларига йирик капитал кўйилмалар йўналтирилди, бу эса иқтисодиётга жалб қилинган капитал кўйилмалар таркибида ушбу тармоқлар улушкининг сезиларли даражада ошишига олиб келди.

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда жаҳондаги энг йирик ва машҳур АҚШнинг «Женерал Моторе», «Тексако», Германия-

нинг «МАН», «Даймлер Бенц», «Клаас», Буюк Британиянинг «БАТ», Испаниянинг «Максам», Япониянинг «Исузу», «Иточү», Малайзиянинг «Петронас», Кореяниг «Кореан Эйр», «СНОС», «LG», Хитойнинг «CNPC», Россиянинг «Лукойл», «Газпром» каби компаниялари, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки сингари йирик халқаро молия ташкилотлари, Жанубий Корея, Япония, Хитой ва бир қатор араб давлатларининг инвестиция банклари мамлакатимизнинг асосий ҳамкорлари бўлмоқда.

Инвестиция ва саноат соҳасидаги фаол сиёsat натижаси сифатида мустақиллик йилларида юртимизда енгил ва юк автомобиллари, автобуслар ишлаб чиқарадиган янги автомобиль заводлари ташкил этилди. Жаҳондаги етакчи хорижий компаниилар билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-кимё мажмуаси, Кўнғирот сода заводи, ўнлаб тўқимачилик мажмуалари барпо этилди.

Иқтисодиётнинг етакчи, авваламбор базавий тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни ва шунингдек, самарали таркибий ўзгаришлар ва инвестиция сиёsatини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2006 йилда ташкил этилган низом фонди, бугунги кунда қарийб 7 миллиард доллардан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси мухим ўрин эгалламоқда.

Жамғарманинг энг асосий вазифаларидан бири – иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ривожи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиши билан боғлик устувор вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган стратегик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдан иборат.

Хозирги пайтда Жамғарманинг инвестиция портфелида умумий киймати 18,5 миллиард доллардан ортиқ 55 инвестиция лойиҳаси мавжуд. Шунинг 4,3 миллиард доллари Жамғарма маблағлари ҳисобидан биргаликда молиялаштирилади.

Жамғарма фаолият юритаётган давр мобайнида умумий киймати 1,7 миллиард долларни ташкил этадиган 16 та ин-

вестиция лойиҳаси амалга оширилди. Дехқонобод калийли ўғитлар заводи қурилиши, Хонжиза полиметалл конини ўзлаштириш лойиҳаси, Қамчиқ довони орқали «Оҳангарон–Пунганд» магистрал газ тармоғининг қурилиши, «Фарғонаазот» ва «Максам–Чирчик» очиқ акциядорлик жамиятларида йирик аммиак агрегатларининг реконструкция ва модернизация қилиниши, 500 кВли «Ғузор» кичик станцияси ва «Сурхон» кичик станцияси юқори вольтли линияси қурилиши, Помук ва Денгизкўл конларида сиқиши компрессор станцияларининг барпо этилиши, Кўнгирот компрессор станциясидаги газ намини қочириш қурилмаси, Қарши каскади насос станцияларининг реконструкция қилиниши, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ҳаво флотини янгилаш лойиҳалари, 400 та «Мерседес-Бенц» русумли йўловчи ташиш автобусларини харид қилиш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, умумий қиймати 5,7 миллиард долларга тенг бўлган инвестиция лойиҳалари амалга оширилиш арафасида турибди. Уларнинг сирасига Шўртан газ-кимё мажмуасида тозаланган метанин қайта ишлаш базасида суюлтирилган синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш заводини барпо этиш, Янги «Ангрен» кўмир конини модернизация қилиш орқали Ангрен иссиқлик электр станциясининг 1–5-сонли энергия блокларини йил бўйи кўмир асосида ишлаш тизимига ўтказиш, Навоий ва Тошкент иссиқлик электр станцияларида буғ-газ мосламаларини қуриш, Тошкент – Самарқанд темир йўл йўналишида фойдаланиш учун «Тальго – 250» юқори тезюорар электропоездларини харид қилиш, Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатини комплекс модернизация қилиш каби лойиҳалар киради.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳал этадиган яна бир муҳим вазифа хорижий инвесторлар, молия институтлари ва шерикларни инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш ва амалга ошириш мақсадида мамлакатимизга кенг жалб этиш ҳисобланади. Жамғарманинг қўшма лойиҳаларда иштирок этиши Осиё тараққиёт банки, Япония ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги, Ислом тараққиёт банки, Хитой экспорт-импорт банки, Хитой Давлат тараққиёт банки, Корея тараққиёт банки,

бошқа хорижий молия институтлари, банк ва компанияларнинг маблағлари ҳисобидан 3,2 миллиард доллардан зиёд чет эл инвестицияси ва кредитларини жалб этиш имконини берди.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

Ташқи савдо динамикаси ва таркиби

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти мустақилликни кўлга киритишимизга қадар, асосан собиқ Иттифоқ республикаларини хомашё ресурслари билан таъминлашга йўналтирилган эди. Истеъмол маҳсулотларининг асосий қисмини республикамизда ишлаб чиқариш имконияти мавжудлигига қарамасдан, улар четдан келтирилар эди.

1990 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 805,6 миллион долларни, жумладан, экспорт – 442,7 миллион долларни, импорт – 362,9 миллион долларни ташкил этган. Ижобий сальдо эса 80 миллион доллар атрофида бўлган эди.

Ўтган 20 йил мобайнида ташқи савдо айланмаси 27,1 баробар ўси, шу жумладан, экспорт ҳажми – 29,5 баробар, импорт – 24,2 баробар ошди. Бу жараёнда ташқи савдонинг ижобий сальдоси 53 баробар ортиб, олтин-валюта захираларининг юқори даражада ўсиши ва миллий валюта барқарорлигини таъминлади.


Экспорт ва импорт таркиби тубдан ўзгарди. Ўзбекистон мустақилликкача бўлган даврдаги четга хомашё чиқарадиган ва тайёр маҳсулотлар, асосан истеъмол товарларини олиб кирадиган мамлакатдан бутунги кунда тобора кўшилган қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотларни экспорт қиласиган ва кўпроқ ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик модернизация қилиш учун мўлжалланган юқори технологиялар асосидаги ускуналарни импорт қиласиган мамлакатга айланиб бормокда.

Экспортнинг товар таркибини диверсификация қилиш натижасида мамлакатимиз пахта яккаҳокимлиги оқибати бўлган пахта толаси экспортига қарамлиқдан халос бўлди. Унинг

Ташқи савдо таркиби

	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Ташқи савдо айланмаси, миллион доллар	805,6	6212,1	21842,2
Экспорт, миллион доллар	442,7	3264,7	13044,5
Импорт, миллион доллар	362,9	2947,4	8799,7
Сальдо (+,-), миллион доллар	79,8	317,3	4244,8
Экспорт (фоиз)	100	100	100
Пахта толаси	59,7	27,5	11,3
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	9,7
Кимёвий маҳсулот ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	2,3	2,9	5,1
Энергия ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	24,8
Қора ва рангли металлар	4,6	6,6	6,8
Машина ва ускуналар	1,7	3,4	5,5
Хизматлар	1,3	13,7	9,1
бошқалар	9,4	30,2	27,7
Импорт (фоиз)	100	100	100
Машина ва ускуналар	12,1	35,4	44,1
Кимёвий маҳсулот ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	9,7	13,6	14,3
Энергия ва нефть маҳсулотлари	3,1	3,8	6,0
Қора ва рангли металлар	10,2	8,6	8,4
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	12,3	10,9
Хизматлар	1,5	8,5	4,7
бошқалар	14,5	17,8	11,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (1990 йил – союз қарорлар билан савдо ҳисобга олинган)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

21-расм. 1990–2010 йиллардаги экспорт таркиби

экспортдаги улуши камайиб, 1990 йилдаги 59,7 фоиздан 2010 йилда 11,3 фоизга тушди. 1990 йилда экспортнинг умумий ҳажмида хомашё ҳисобланмайдиган товарлар улуши 30 фоиздан камроқ бўлган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 70 фоиздан зиёддир.

Юртимиизда кейинги 10 йил мобайнида енгил автомобиллар экспорти 7,6 баробар, пахта калаваси – 4,7 баробар, трикотаж матолар – 156 баробар, минерал ўғитлар – 11,7 баробар, нефть маҳсулотлари – 6,5 баробар, цемент – 6,3 баробар, сабзавот ва мевалар экспорти 14,1 баробар ўсади. Кичик бизнес корхоналарининг экспорт ҳажми 10 баробардан кўпроқ ошиди.

Мамлакатимиз истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчила-рининг тезкор ривожланиши натижасида импорт таркибида

Ташқи савдо айланмасининг географик таркиби (фоиз)

	1990 йил	2010 йил
Ташқи савдо айланмаси	100	100
Узоқ хориж мамлакатлари	39,9	56,9
МДҲ мамлакатлари	60,1	43,1
Экспорт	100	100
Узоқ хориж мамлакатлари	37,7	54,8
МДҲ мамлакатлари	62,3	45,2
Импорт	100	100
Узоқ хориж мамлакатлари	42,6	59,9
МДҲ мамлакатлари	57,4	40,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

озик-овқат маҳсулотлари улуши 4,5 баробар қисқарди. Масалан, охирги 15 йилда буғдой импорти нафақат тўхтатилди, балки Ўзбекистон ўз буғдойи ва ғалласидан тайёрланган унни экспорт қила бошлади. Гўшт маҳсулотларини импорт қилиш 5 баробар, сут маҳсулотлари 2,6 баробар, қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 3,5 марта, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар 16 ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари 7 баробардан кўпроқ, гилам ва ерга тўшаладиган қопламалар 10 марта, трикотаж матолар 10 баробар, тўқимачилик-трикотаж лиbosлари 11 марта, пойафзаллар импорти 11 баробар камайди.

Машина ва ускуналарнинг импорт таркибидаги улуши ўсиб, 1990 йилдаги 12,1 фоиздан 2000 йилда 35,4 фоизга, 2010 йилда эса 44,1 фоизга етди.

Ташқи савдо географияси ҳам диверсификация қилинди. Ташқи савдода собиқ Иттифоқ республикаларининг эмас, балки узоқ хориж мамлакатларининг улуши орта бошлади.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ НОДАВЛАТ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

ЯИМ ишлаб чиқаришнинг мулкчилик шакллари бўйича таркиби

Мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш таркибидаги мулкчилик шакллари бўйича туб ўзгаришлар рўй берди. Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматлар таркибидаги нодавлат сектор асосий ўринни эгаллади. Нодавлат секторнинг улуши 1995 йилдаги 58,4 фоиздан 2010 йилда 81,7 фоизга етди, жумладан, хўжалик бирлашмалари улуши – 27,4 фоиз, кўшма корхоналар ҳиссаси – 14,2 фоиз, хусусий фермер хўжаликлари улуши – 6,5 фоиз ва аҳолининг хусусий мулки – 30,4 фоизни ташкил этди.

18-жадвал

Мулкчилик шакли бўйича ЯИМ ишлаб чиқариш таркиби (фоиз)

	1995 йил	2000 йил	2010 йил
Ялпи ички маҳсулот	100	100	100
жумладан			
Нодавлат мулкчилик	58,4	72,6	81,7
шундан			
Фермер хўжаликлари	x	1,9	6,5
Хўжалик бирлашмалари	x	17,4	27,4
Кўшма корхоналар	x	5,2	14,2
Давлат мулкчилиги	41,6	27,4	18,3

Манба: Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Бозор ислоҳотларини амалга ошириш йилларида қарийб 31 мингта давлат корхонаси ва объекти хусусийлаштирилди ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамиятига қараб, улар акциядорлик жамиятлари (21,5 фоиз) ва мулкчиликнинг бошқа нодавлат корхоналари шакли (78,5 фоиз) сифатида қайта ташкил этилди.

Нодавлат сектор улуши (фоизда)

	1995 йил	2000 йил	2010 йил
ЯИМ	58,4	72,6	81,7
Саноат	49,1	63,9	91,0
Қишлоқ хўжалиги	97,6	99,1	99,9
Қурилиш	62,1	81,2	89,6
Транспорт	13,9	30,7	56,0
Алоқа	x	82,4	96,1
Чакана савдо айланмаси	91,7	96,8	99,9
Пуллик хизмат	34,6	57,1	81,7
Ташқи савдо	x	70,4	79,4
Бандлик	69,0	75,9	79,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

2010 йилда иқтисодиётнинг нодавлат секторининг улуши куйидагича бўлди: мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришда – 81,7 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда – 91,0 фоиз, қишлоқ хўжалигига – 99,9 фоиз, қурилиш-пудрат ишларининг умумий ҳажмида – 89,6 фоиз, транспортда – 56 фоиз, савдо ва умумий овқатланишда – 99,9 фоиз.

Давлат мулкининг хусусийлаштирилиши ва кичик бизнес ривожининг рағбатлантирилиши натижасида Ўзбекистонда янги ижтимоий қатлам – мулкдорлар синфи пайдо бўлди. Бу қатламнинг умумий сони қарийб 6,5 миллион кишини, жумладан, акциядорлар – 1,4 миллион, хусусий фермер хўжаликлари эгалари – 80,6 минг, шунингдек, дехқон хўжаликлари ва даромад келтирадиган бошқа мулк шакллари эгалари (масъулияти чекланган жамиятларнинг низом жамғармасида ўз улушкига эга бўлган шахсий корхоналар ва бошқалар) – 4,8 миллион нафарни ташкил этади.

Хусусийлаштириш туфайли қимматли қоғозлар ва мулк бозори каби янги бозорлар пайдо бўлиб, кўптармоқли иқ-

**Хусусийлаштириш жараёнида нодавлат мулкчилик объектлари
ва янги корхоналар ташкил этиш динамикаси**

Йиллар	Хусусийлаштирилган барча корхона ва объектлар, дона	Жумладан:	
		Акциядорлик жамиятларига айлантирилган, фоиз	Хусусий мулк қилиб сотилган, фоиз
1994	9744	29,7	70,3
1995	8537	12,0	88,0
1996	1915	65,6	34,4
1997	899	50,7	49,3
1998	266	41,4	58,6
1999	373	37,8	62,2
2000	372	40,8	59,2
2001	1238	18,3	81,7
2002	1800	12,4	87,6
2003	1452	5,2	94,8
2004	1228	2,3	97,7
2005	980	0,3	99,7
2006	673	2,8	97,2
2007	631	0	100
2008	392	0	100
2009	135	0	100
2010	96	0	100
Жами	30731	21,5	78,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси

тисодиётнинг шаклланиши ва бозор муносабатларини янада ривожлантиришнинг асоси бўлди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш суръатлари

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки бос-кичларидан бошлаб давлат обьектларини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи ҳам кўпукладли бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосини ташкил этди.

2000–2010 йиллар давомида рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони қарийб 2 баробар ошди. 2010 йилда Ўзбекистон аҳолисининг ҳар 1000 нафарига 15,2 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти тўғри келди. Мазкур кўрсаткич Молдовада 12,3 та, Қозоғистонда – 6,9 та, Россияда – 11,3 та, Украинада – 7,5 та, Белоруссияда – 7,3 та, Озарбайжонда эса 1,6 тани ташкил этди¹.

Кичик тадбиркорлик республикамизни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омилларидан бирига айланди ва унинг 2000–2010 йиллар давомидаги асосий ривожланиш кўрсаткичлари қуйидаги тенденциялар билан ажралиб туради:

- ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўсиб, 2000 йилдаги 31 фоиздан 52,5 фоизга етди;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иш билан банд аҳолининг иқтисодиётда умумий банд бўлганлар сонидаги улуши ортиб, 2000 йилдаги 49,7 фоиздан 74,3 фоизга етди;
- мазкур тармоқнинг саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги хиссаси 12,9 фоиздан 21,1 фоизга ўси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумий экспорт ҳажмидаги ўсиши 3,4 фоизни ташкил этди ва 2000 йилдаги 10,2 фоиздан 13,6 фоизга кўтарилиди;

¹ МДҲ давлатларининг кўрсаткичлари 2009 йил учун олинган. Манба: МДҲ статистика кўмитаси.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг
ривожланиш суръатлари**

	2000 йил	2005 йил	2010 йил
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши, фоиз			
ЯИМда	31,0	38,2	52,5
саноатда	12,9	10,0	21,1
иш билан банд бўлганларнинг умумий сонида	49,7	64,8	74,3
экспортда	10,2	6,0	13,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

- кичик тадбиркорлик тармоғининг таркибий тузилиши унда кичик саноат корхоналари улушкининг ошиши ҳисобидан яхшиланди. Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 2010 йилда 7295,0 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди ва бу 2000 йилдагидан 9,7 баробар кўпdir;
- автомобилсозлик, тракторсозлик ва бошқа тармоқлар учун маҳаллийлаштирилган бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш бўйича фаолият кўлами кенгайди.

ИНФРАТУЗИЛМА ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш

Ўзбекистон транспорт инфратузилмаси 1990 – 2010 йилларда автомобиль йўллари (109,8 фоиз) ва темир йўллар (122,1 фоиз) бўйича ҳам умумий фойдаланишдаги йўллар узунлигининг ошгани билан эътиборлидир. Автомобиль йўллари ҳозирги кунда мамлакатимиздаги барча аҳоли пунктларини тўлиқ қамраб олган.

**Транспорт инфратузилмасининг асосий
кўрсаткичлари**

	Ўлчов бирлиги	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Умумий фойдаланишдаги қаттиқ қопламали автомобиль йўллари	км.	38213	41524	41950
шу жумладан: халқаро аҳамиятга молик йўллар	км.	3229	3239	3960
Умумий фойдаланишдаги темир йўллар	км.	3462	3471	4227
Юк ташиш				
Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти	миллиард тн.км.	5,9	3,5	17,8
Темир йўл транспорти	миллиард тн.км.	21,8	15,0	22,3
Барча транспорт турларида йўловчи ташиш	миллион йўловчи	2906	3596	6009

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Мамлакатимизда 2006 йилдан бошлаб амалга оширилаётган Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш жараёнида автомобильда йўловчи ташиш бўйича жами 929 та йўналиш очилди, шундан 13 таси шаҳар йўналишлари, 791 таси шаҳар атрофидаги ҳамда 125 таси вилоятларро йўналишлардир. 2010 йилда транспорт хизмати 2006 йилга нисбатан 1,6 баробар, шу жумладан, автомобиль транспорти бўйича 1,7 баробар ўсди.

Япония халқаро ҳамкорлик банки билан ҳамкорликда узунлиги 223 километр бўлган, дengiz сатҳидан 1500 метр баландликдаги довон орқали ўтадиган, Афғонистоннинг шимолий худудларига чиқиш имконини берадиган Тошгузар – Бойсун-Кумкўргон янги темир йўли барпо этилди. Навоий – Учқудук-Султон Увайстоғ – Нукус йўналиши бўйича Амударё узра барпо этилган темир йўл ва автомобиль йўллари ўтадиган кўприкни

ўз ичига олган янги темир йўл участкалари фойдаланишга топширилди.

Фарғона водийсини Республиканинг бошқа туманлари билан бирлаштирадиган, Халқаро андозаларга жавоб берадиган Қамчик довони орқали ўтадиган мукаммал автомобил йўли – туннель (ер ости йўли) фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, 2009 йили Ангрен шаҳрида юртимизнинг барча ҳудудлари ва Фарғона водийси вилоятларини йил давомида транспорт алоқаси билан ишончли боғлайдиган Халқаро логистика маркази курилиши якунига етказилди ва ишга туширилди.

«Навоий» халқаро аэропорти ва «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зonasини ривожлантириш

Мамлакатимизда янгитдан шаклланаётган йирик халқаро логистика марказларидан бири Навоий аэропорти ҳудудидаги интермодаль логистика марказидир.

Ушбу аэропортнинг афзалликлари шундан иборатки, унинг Европа ва Осиёни туташтирадиган ҳаво йўлларининг чорраҳасида ўта қулай минтақада жойлашгани (аэропортдан 2000 километр узокликтаги ён-атрофда 150 миллион аҳолига эга бўлган 40 та шаҳар мавжуд), унга жуда яқин масофадан халқаро автомобиль ва темир йўллари тармоқларининг ўтиши кўшни давлатлар, шунингдек, Россия, Европа ва Хитой билан зарур алоқаларни таъминлайди. Буларнинг барчаси Навоий аэропорти минтақавий ва қитъалараро табиий логистика маркази сифатида ноёб мавқега эга эканидан далолат беради.

Хозирги кунда Навоий аэропорти орқали Франкфурт, Сеул, Брюссель, Милан, Дубай, Бангкок, Дехли, Дакка ва Мумбай каби дунёning йирик шаҳарларига парвозлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2008 йилнинг декабрь ойида кенг миқёсдаги минтақавий таракқиёт дастурининг мантиқий давоми си-

фатида «Навоий» аэропортининг бевосита яқинида – Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидан 100–175 километр узоқлиқда 564 гектар майдонни эгаллаган «Навоий» эркин индустрималь-иқтисодий зонаси (ЭИИЗ) ташкил этилди.

Юксак самарали, замонавий хориж асбоб-ускуналари ва техникаси, технологик тармоқлар ва модуллар, инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобидан юқори технологияларга асосланган, жаҳон бозорларида рақобатдош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқариш «Навоий» ЭИИЗ худудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши этиб белгиланди.

Бу ҳудуддаги ишлаб чиқариш фаолиятининг истиқболли йўналишлари – кимё ва нефтгазкимё, замонавий қурилиш материаллари саноати, электротехника саноати, машинасозлик, озиқ-овқат саноати, дори-дармон ва тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳалари ҳисобланади.

Мазкур ҳудуддаги ер участкалари хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг инвестиция фаолияти даврида энг кам ижара ҳақи звазига ижарага берилади. Бундай енгиллик туфайли инвесторлар томонидан ишлаб чиқариш фаолияти учун ер майдонларини сотиб олиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида кўшимча маблағ сарфлашга ҳожат қолмайди.

«Навоий» ЭИИЗнинг эътиборга молик хусусияти шундаки, унинг ҳудудида ўзига хос ҳукукий тартиб амал қиласди. Бу тартиб, жумладан, қуидагиларни назарда тутади:

- ушбу ҳудудда рўйхатдан ўтган корхоналарни, улар киригадиган инвестициялар ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда, барча турдаги солиқлардан 15 йилгача озод қилишни кўзда тутадиган алоҳида солиқ тартиби;

- индустрималь-иқтисодий зонанинг бутун фаолияти давомида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқиши мақсадида олиб кириладиган ускуналар, хомашё ва материаллар учун тўланадиган божхона тўловларидан озод қилишни кўзда тутадиган алоҳида божхона тартиби;

- мазкур зона ҳудудида ҳисоб-китоблар ва тўловларни ўзаро тузилган шартнома ва контрактларга мувофиқ чет эл валюта-

сида, шунингдек, экспорт ва импорт қилинаётган товарлар учун ҳар икки томонга қулай бўлган тўлов шакллари ва ҳисобкитоблардан фойдаланиш ҳукукини берадиган алоҳида валюта тартиби.

«Навоий» ЭИИЗ ташкил этилганидан бўён ҳали кўп вақт ўтмаган бўлса-да, чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда, юксак технологияларга асосланган 19 та лойиха амалга оширилмоқда, 2010 йилда эса 7 та корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари бошланди.

Туризм ривожи

Ўзбекистон Республикаси Ўрта Осиё мамлакатлари ўртасида энг катта сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган давлатdir. Юртимиз ўзининг тарихий масканлари, Буюк Ипак йўлининг ривожланишини ўзига акс эттирадиган кўп асрлик тарихий ва маданий 4 мингдан зиёд тарихий-архитектура ёдгорликлари бўлган бой меросга эгалиги жиҳатидан дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Кўкон каби қадимий маданий ёдгорликларга бой шаҳарлар бутун дунёга машхур. Бу азим шаҳарлар бетакрор тарихий қиёфаси билан ҳар қандай одамни мафтун этади. Ҳозирги вақтда Республикамизнинг бетакрор тарихий, архитектуравий тизимлари ва ёдгорликлари билан таништиришга йўналтирилган, Ўзбекистоннинг барча худудлари бўйлаб юздан ортиқ сайёҳлик йўналишлари ташкил этилган бўлиб, бу тарихий обьектларнинг 140 таси БМТнинг ЮНЕСКО ташкилоти томонидан муҳофазага олинган.

Мамлакатимиздаги мавжуд рекреацион имкониятлар туристик йўналишларнинг ҳар хил турларини ташкил этиш ва сайёҳларни йил давомида қабул қилиш имконини беради.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг самолётлари дунёning кирқдан ортиқ мамлакатига замонавий ва қулай Боинг –757, Боинг –767 самолётларида, А –310, А –320, RJ –85 аэробусларида мунтазам рейсларни амалга ошириб келмоқда. Шунинг натижасида минглаб сайёҳлар мамла-

катимизнинг тарихий ёдгорликлари, муқаддас қадамжоларини зиёрат этиш ва сўлим оромгоҳларида дам олиш учун ташриф буюрмоқда. Миллий авиакомпаниянинг 43 та ваколатхонаси дунёнинг 24 давлатида фаолият олиб бормоқда ва ҳар йили қарийб 2 миллион кишига хизмат кўрсатмоқда.

Республикамизда ҳозирда бир вақтнинг ўзида 20 мингдан ортиқ саёҳни қабул қила оладиган 175 та меҳмонхона фаолият юритмоқда. Ўзбекистон меҳмонхоналари орасида энг машҳур меҳмонхоналар мажмуалари бўлмиш Inter-Continental Hotels & Resorts, Radisson SAS, Dedeman Hotels & Resorts ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ватанимизнинг маданий ҳаёти ҳам замонавий ва рангбарангдир. Ҳар оқшом 36 та профессионал театр, жумладан, Тошкент шаҳрида жойлашган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри томошабинларни ўзига чорлайди. Ҳар йили юртимизда нуфузли театр ва мусика фестиваллари ўтказилади. Шунингдек, юртимиз меҳмонлари ва фуқаролар учун спорт билан шуғулланиб, бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун ҳам барча шароитлар яратилган бўлиб, гольф, теннис кортлари, боулинг клублари, фитнес марказлари, бассейнлар ва бошқа кўплаб замонавий спорт мажмуалари-нинг фаолияти кенг йўлга қўйилган.

II БОБ

1990–2010 ЙИЛЛАРДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ЎРТАЧА ТҮҒРИ КЕЛАДИГАН АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИННИНГ ЎСИШИ

Аҳоли жон бошига ўртача түғри келадиган иқтисодий кўрсаткичлар

Бозор иқтисодиёти муносабатларига тадрижий йўл билан изчил ва босқичма-босқич ўтиш, мамлакатда сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик, Ўзбекистон учун ўтиш даври иқтисодиёти қийинчиликларини бошидан кечираётган бошқа барча собиқ Иттифоқ давлатларидан кўра ишлаб чиқаришнинг халокатли тарзда орқага кетиши оқибатларини тезроқ бартараф этиш ва 90-йилларнинг ўрталаридаёқ иқтисодий ўсиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишни қайта тиклаш имконини берди.

Йирик ишлаб чиқарувчиларнинг барқарор фаолият кўрсатиши учун қулай иқтисодий шароитларнинг яратилиши, Хукумат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ишчанлик муҳитини кучайтириш бўйича аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларнинг қўрилиши иқтисодиёт тармоқларининг жадал ўсишига асос бўлди.

Ўзбекистонда босқичма-босқич ва ижтимоий йўналтирилган тарзда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларнинг самараси, аввало аҳоли жон бошига ўртача түғри келадиган кўрсаткичлар ва халқ турмуш даражасининг мунтазам ошиб бораётганида якқол намоён бўлмоқда.

Аҳоли жон бошига ўртача түғри келадиган ЯИМ, харид қобилияти паритети (ХҚП) асосида ҳисоблагандан, 1990 йилда 1328¹ долларни, 2000 йилда 1431² долларни, 2010 йилда

¹ Жаҳон банкининг маълумотлари асосида ҳисобланган.


² Жаҳон банкининг маълумотлари асосида ҳисобланган.

**Аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий иқтисодий
кўрсаткичлар**

	1990 й.	2000 й.	2010 й.	1990 йилда (фоиз)	
				2000 йил	2010 йил
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ (ХҚП – харид қобилияти паритети бўйича), АҚШ долларида	1328	1431	3271	107,9	2,5 марта
Иқтисодиётда банд бўлган ҳар бир кишига тўғри келадиган ЯИМ (ХҚП бўйича) АҚШ долларида	3412	3928	7940	115,1	2,3 марта
Саноатда банд бўлган ҳар бир кишига тўғри келадиган саноат маҳсулоти улуши					
Минг сўмда	22,1*	1649,7	22407,8	129,7	2,3 марта
АҚШ долларида	3159,6	6963,1	14124,1	2,2 марта	4,5 марта
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол моллари					
Минг сўм	0,7*	37,4	417,3	149,4	4,7 марта
АҚШ долларида	93,8	157,8	263,1	1,7 марта	2,8 марта
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестиция миқдори, АҚШ долларида	40,8	127,5	344,1	3,1 марта	8,4 марта
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чет эл инвестициялари					
Минг сўм	–	7,0	156,6	x	X
АҚШ долларида	–	29,5	100,1	x	X
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулот ва хизматлар экспорти					
АҚШ долларида	21,7	132,4	462,1	6,1 марта	21,3 марта

*) минг рубль

Манба: Ўзбекистон Республикаси Даёлат статистика қўмитаси




Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

22-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ (ХҚП бўйича) ўсиш динамикаси, АҚШ доллари ҳисобида

эса 3271 долларни ташкил этди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ бу муҳим кўрсаткич бўйича ислоҳотларгача бўлган даражадан ҳам юқори натижага эришилди. 2010 йилда эса бу борадаги ўсиш 1990 йилга нисбатан 2,5 баробар ошди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг самарали ривожланишини яққол ифода этадиган муҳим сифат кўрсаткичи, иқтисодиётда банд бўлган ҳар бир кишига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмида намоён бўлмоқда. Агар 1990 йилда иқтисодиётда банд бўлган ҳар бир кишига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг 3412 АҚШ доллари ҳажмидаги қисми тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу рақам ўртacha 7940 АҚШ доллари ёки 1990 йилга нисбатан 2,3 баробардан зиёдни ташкил этди.

Саноатнинг негизини ташкил этадиган тармоқларни мөдернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда уларнинг рақобатдошлигини тубдан оширишга қаратилган устувор аҳамиятга молик лойиҳаларнинг амалга оширилиши маҳсулот




Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

23-расм. Икътисодиётда банд бўлган бир кишига тўғри келадиган ЯИМ (ХКП бўйича) ва саноат маҳсулоти, АҚШ доллари ҳисобида

ишлаб чиқариш ҳажмини жадал кўпайтириш учун зарур шароит яратди. Натижада, ушбу тармоқда банд бўлган ҳар бир кишига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари 2010 йилда 1990 йилга нисбатан 4,5 баробар ошли.

Мамлакатимиз ва чет эл инвесторлари учун яратилган қулай инвестиция муҳити туфайли, аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестиция миқдори 1990 йилдаги 40,8 доллардан 2010 йилда 344,1 долларга етиши таъминланди. Агар 1993 йилда жалб этилган чет эл инвестицияларининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори 0,05 долларни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 100,1 долларга етди.


Аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган маҳсулот ва хизматлар экспорти 2010 йилда 462,1 АҚШ долларини ташкил этди. Бу 1990 йилдаги кўrsаткичдан 21,3 баробар ортиқдир.



24-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестиция, АҚШ доллари ҳисобида

Аҳоли турмуш даражасининг ўртача жон бошига тўғри келадиган кўrsаткичлари

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган, ўзаро чукур боғланган чора-тадбирларининг амалга оширилиши, ялпи ички маҳсулот, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг юкори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия,




Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

25-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари,
АҚШ доллари хисобида (ХҚП бўйича)

стипендия ва нафақалар миқдорининг муунтазам қайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар, айниқса охирги йилларда, халқимизнинг ҳаёт сифати изчил юксалиб боришини таъминлади.

Юртимиизда кечачётган ўзгаришлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул маблағлари, ўртача номинал ва реал иш ҳақи миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар кўрсаткичларини яққол намоён этмоқда.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблагандан, 2010 йил охирида 2016,8 долларни ташкил этди. Ўртача ойлик номинал иш ҳақи эса, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблагандан, 2010 йилнинг декабрь ойида 1162,6 долларга етди.




Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

26-расм. Аҳоли пул даромадлари дифференцияси даражаси.
(Жини коэффициенти)

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатнинг босқичмабосқич амалга оширилиши, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини мунтазам ошириб бориш, ҳалқимизни ижтимоий қўллаб-кувватлашни кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар ўргача ойлик иш ҳақи миқдорининг сезиларли равишида, яъни 2010 йилда 1990 йилга нисбатан АҚШ доллари эквивалентида 2,7 баробар, ўргача пенсия ҳажмининг эса 5,9 баробар ошишини таъминлади.

Пул даромадларининг ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-кувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли барча қатламларининг ўргача даромадларининг изчил ўсиб боришида муҳим омил бўлди. Бунда аҳолининг турили гуруҳлари даромадлари даражасидаги тафовутни (дифференциялашувни) акс эттирадиган Жини коэффициенти 1990–2010 йилларда 0,40 дан 0,30 га пасайди, бу эса иқтисодий жихатдан тараққий топган давлатлардаги ўргача кўрсаткичга мос келади.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси

27-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар,
минг сўм миқдорида

Аҳоли фаровонлиги ўсишининг муҳим таркибий қисми хизмат кўрсатиш ва хизмат турларига нисбатан ошиб бораётган таълабнинг таъминланиши билан боғлиқдир. Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури ижроси даврида – 2006 – 2010 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол ҳажми 1,8 баробар кўпайди.

2006 – 2010 йилларда хизмат бозори таркибини такомиллаштириш борасида қабул қилинган изчил чора-тадбирлар аҳоли жон бошига ўртacha тўғри келадиган банк, молия ва суғурта хизматининг янги истиқболли турлари жадал ривожланишини таъминлади ва улар ушбу давр мобайнида 3,0 баробар ўсади.

Аҳоли тўлов қобилиятининг ортиши кўрсатилаётган пулли хизматлар ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбатан 1992 йил билан қиёсланганда 2,2 баробар, маиший хизматлар бўйича эса 8,3 баробар ўсишини тақозо этди. Шу даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси, биринчи навбатда, ноозик-овқат маҳсулотлари савдосининг ўсиши ҳисобидан 4,3 баробар ошди.

III БОБ ИСТЕЬМОЛ БЮДЖЕТИ

Аҳоли фаровонлигини ўзида яққол мужассам этадиган энг муҳим кўрсаткич бу – оила истеъмол бюджетининг ҳажми ва таркибидир.

Ушбу кўрсаткич оила ялпи даромадлари ҳажми ва таркибига, истеъмол бозорининг зарур товар ва хизматлар билан тўлдирилиши ҳамда оила даромадларининг ана шу истеъмол маҳсулотлари ва хизматларни харид қилиш имкониятларига боғлиқ.

Ялпи даромадлар ҳажми ва таркиби

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида Ўзбекистон



28-расм. Аҳоли ялпи даромадларининг динамикаси (1990 йил = 100 фоиз), (уй хўжаликларини тадқиқ этиш натижаларига асосан)

Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан чуқур асослаб берилган кучли ижтимоий сиёsat аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Мазқур ислоҳотлар натижасида 1990–2010 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолисининг ялпи даромадлари, аниқ хисобкитоблар бўйича 8,6 баробар ошди.

Ялпи даромадлар таркибида шу давр мобайнида мулк даромадлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар кўринишидаги янги даромад турлари пайдо бўлди. Табиийки, собиқ мустабид тузум давридаги марказлаштирилган режали иқтисодиёт шароитида аҳолининг бундай даромад манбалари шаклланишига мутлақо йўл қўйилмас эди.

24-жадвал

Мулқдан ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадларнинг ўсиши


	1990 йил	2010 йил
Мулқдан ва тадбиркорлик фаолиятидан, маҳсулот сотиш ҳамда хизмат кўрсатишдан олинган даромадларнинг ялпи даромаддаги улуши	10,6	47,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (уй хўжаликларини ўртача ой давомида таҳпил қилганда)

Янги турдаги бундай даромадлар ҳиссасига 2010 йилда ялпи даромадларнинг 47 фоизи тўғри келди.

Янги турдаги ушбу даромадларнинг афзаллиги шундаки, аҳолининг тадбиркорлик соҳасидаги фаоллашуви оила ялпи даромадларининг жадал равишда ошиб бориши учун рағбатлантирувчи бозор омилларини яратади, марказлаштирилган иқтисодиёт шароитида кенг тарқалган бокимандалик ва даромадларнинг бир хилда бўлиши даражасини пасайтиради.

Ўртача ойлик иш ҳақи микдорининг босқичма-босқич ошириб борилиши ялпи даромадлар таркибидаги, ўтиш даврининг



Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

29-расм. Жамият таркибида ўрта қатламнинг улуши

дастлабки йилларида бўлгани каби, улуши янада пасайиб кетишининг олдини олди. Ҳозирги пайтда аҳолининг ялпи даромадларида ойлик иш ҳақининг улуши барқарор ҳолат, яъни 30–32,1 фоиз даражасида сақлаб қолинмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан аҳоли даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг қабул килиниши, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфи шакллантириш имконини берди. Эксперт хулосаларига кўра, ўртача даромадга эга бўлганлар, агар 1990 йилда аҳолининг 18 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда уй хўжаликларини тадқик этиш натижаларига кўра бу кўрсаткич 24 фоизга етгани аён бўлди. 2010 йилда эса 60 фоиз уй хўжаликлари ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга бўлган.

Ялпи истеъмол харажатлари

Оиланинг ялпи даромадлари ошиб бориши билан бир вақтда юртимиизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгай-

**1990–2010 йилларда аҳоли ялпи харажатларининг
таркиби (фоизда)**

	1990 йил	2000 йил	2009 йил	2010 йил
I. Жами харажатлар таркиби	100,0	100,0	100,0	100,0
улардан,				
истеъмол харажатлари	81,1	84,3	78,5	78,4
истеъмолдан ташқари харажатлар (солиқлар, чиқимлар (бадаллар) ва бошқа тўловлар)	7,1	6,9	6,3	6,2
пул омонатлари ва жамғармалар	11,8	8,8	15,2	15,4
II. Жами истеъмол харажатлари	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан,				
озиқ-овқат маҳсулотлари учун	58,3	59,8	51,9	49,8
ноозиқ-овқат маҳсулотлари учун	31,5	26,8	31,9	33,7
хизматлар учун тўловлар	10,2	13,4	16,2	16,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (уй хўжаликларини таҳлил қилганда, ойига ўртача)

тириш ҳисобидан ушбу даромадлардан самарали фойдаланиш учун шароит яратилди.

Агар 1990 йилда аҳоли даромадларининг бор-йўғи 46–48 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товар ресурслари билан таъминланган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 75 фоиздан ошди.

2010 йилда истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 6,7 баробар, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса 1,4 баробар ўсди.

Юқорида кайд этилган омиллар аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши билан бирга, унинг пул омонатлари ва жамғарма маблағлари барқарор ўсиб боришини ҳам таъминлади. Бу маблағларнинг харажатлар таркибидаги улуши ўсиб, 1990 йилдаги 11,8 фоиздан 2010 йилда 15,4 фоизга етди.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

30-расм. Истеъмол харажатлари таркиби
(уй хўжаликларини тадқиқ этиш натижаларига асосан, фоизда)

Оилаларнинг истеъмол харажатлари макротаркиби ҳам оптималлашиб бормоқда: озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар улуши барқарорлашиб, хизматлар учун харажатлар улуши ортиб бормоқда. Бундай ҳолат иқтисодий ривожланиб бораётган давлатлар учун хосдир.


Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш

Истеъмол харажатларининг ҳажми ва таркиби кўп жиҳатдан аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш имкониятлари ва мазкур маҳсулотларнинг нархи билан чамбарчас боғлиқ. 1990 йилда энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдо тармоқларидағи тақчиллиги аҳолининг бу маҳсулотларни сотиб олиш имкониятларини чеклаб қўйган эди. 1989 йилда ўтказилган статистик тадқиқотлар маълумотларига кўра, истеъмол бозорида аҳоли учун зарур бўлган барча маҳсулотларнинг қарийб 95 фоизи бўйича узилишлар бўлиб

турган ва бу собиқ Иттифоқ ҳудудида кундалик асосий озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига карточкалар орқали сотиш тизимини жорий этишга сабаб бўлган эди.

1989 йили республика статистика органлари томонидан юртимиз аҳолиси ўртасида ўtkазилган расмий сўровларда қатнашганларнинг 89,3 фоизи, гўшт маҳсулотларини етарли даражада истеъмол қилмаётганини айтган. Бу кўрсаткичлар сут маҳсулотлари бўйича 56,5 фоизни, шакар бўйича 55,3 фоизни, кандолат маҳсулотлари бўйича 49,5 фоизни, картошка бўйича эса 17,5 фоиз¹ни ташкил этган.

Ўзбекистонда аҳоли сони 1990–2010 йиллар мобайнида 38,2 фоиз ошганига қарамасдан, жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 22,6 фоизга ортди, жумладан,



Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

31-расм. Озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолида юртимизда
етиштирилган маҳсулотлар улуши (фоизда)

¹ «Социальное развитие СССР» тўплами маълумотлари асосида хисоблаб чиқилган, ўша манба, 1988 г., 145-бет.

**Ўзбекистон Республикасида асосий истеъмол маҳсулотларининг
истеъмол қилиниши аҳоли жон бошига, кг. ҳисобида**

	1990 йил	2000 йил	2009 йил	2010 йил	2010 йил, 1990 йилга нисбатан фоизида
Нон ва нон маҳсулотлари	170	167	165	160	94,1
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	31	34	36	38	122,6
Сут маҳсулотлари	183	162	212	239	130,3
Тухум (дона)	97	47	130	138	142,3
Сабзавот, жумладан, полиз	107	128	237	238	222,1
Картошка	29	36	41	45	155,2
Ўсимлик ёғи ва бошқа мойлар	12	12	13	13	103,2
Шакар	12	16	16	17	137,5
Мева, жумладан, узум	23	42	74	83	360,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

сут ва сут маҳсулотлари 30,3 фоиз, тухум 42,3 фоиз, сабзавот 2,2 баробар, картошка 1,5 баробар, мева 3,6 баробар ва шакар 1,37 баробар ўсади. Айни вақтда истеъмол таркиби анча сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш ҳисобидан ўзгармоқда. Бунда углеводларга бой озиқ-овқатларни (биринчи навбатда, нон ва нон маҳсулотларини) истеъмол қилишнинг барқарорлашгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сони, тури ўнлаб баробар ошди.

Агар 1990 йилда истеъмол учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут маҳсулотларининг қарийб 60 фоизи, картошканинг 50 фоизи, шакар, қуруқ сут ва болалар озуқаси 100 фоиз четдан келтирилган бўлса, ҳозирги вақтда юртимиз ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобидан аҳолининг барча асосий истеъмол маҳсулотлари бўйича (шакардан ташқари) эҳтиёжини деярли тўлиқ таъминламоқда.

Ноозик-овқат маҳсулотлари истеъмоли

1990 йили республикамизда ноозик-овқат маҳсулотларининг истеъмол бозорида ўта тақчиллик вужудга келди. Ахолининг сифатли кийим-бош, пойафзал, узок муддат фойдаланишга мўлжалланган товарларни харид қилиш имкониятлари чекланган эди. Одамларга мебель, гилам, музлатгич, телевизор ва енгил автомобилларни сотиш кўпинча корхоналар орқали олдиндан тузилган рўйхатлар асосида амалга оширилар, бундай товарларни харид қилиш учун эса бир неча йиллаб навбат кутишга тўғри келар эди. Барча турдаги ноозик-овқат маҳсулотларининг қарийб 88 фоизи чакана савдо тармоқларида катта узилишлар билан сотиларди.

27-жадвал

Асосий енгил саноат маҳсулотларининг аҳоли томонидан истеъмол қилиниши, аҳоли жон бошига

	1990 йил	2000 йил	2009 йил	2010 йил
Матолар, жами (метр)	7,1	5,6	9,7	10,0
шу жумладан,				
пахта толасидан тайёрланган газламалар (метр)	2,2	2,2	2,9	3,0
жун газлама (метр)	0,3	0,3	0,7	0,8
зигир толасидан тўқилган матолар, шойи, ипак газламалар (метр)	1,8	3,2	4,6	4,7
аралаш матолар (метр)	0,7	–	1,5	1,5
Устки кийимбоп трикотаж (дона)	0,6	1,1	2,5	2,6
Ички кийимбоп трикотаж (дона)	0,9	1,6	3,5	3,6
Чарм пойафзал (жуфт)	1,6	3,2	3,4	3,5
Пайпоқ маҳсулотлари (жуфт)	3,7	6,0	6,7	6,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

**Аҳолининг узоқ муддатли фойдаланиладиган
маҳсулотлар билан таъминланиши
(ҳар 100 хонадонга тўғри келадиган товарлар сони)**

	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Телевизорлар	90	88	132
Музлатгич ва музхоналар	80	86	99
Кондиционерлар	9	11	18,5
Электр чангютгичлар	29	30	37
Персонал компьютерлар	–	0,2	12
Фотоаппарат ва видеокамералар	21	21	24
Видеомагнитофон, видеоплейер ва DVD плейерлар	1	31	64
Кир ювиш машиналари	67	69	75
Мобиль алоқа воситалари	–	18	145
Автомобиллар сони ўртача ҳар 1000 нафар аҳолига, бирликда	21,9	38,9	51,5
Автомобиллар сони ўртача ҳар 100 хонадонга, бирликда	11,9	20,1	27,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган ноозик-овқат маҳсулотларнинг катта қисми республикамизда ишлаб чиқарилмас, балки четдан келтирилар эди. Жумладан, телевизорлар, кир ювиш машиналари, электр чангютгичлар, енгил машиналар 100 фоиз, газмолларнинг қарийб 40 фоизи, барча турдаги оёқ кийим ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотларнинг 30 фоизи четдан олиб келинарди.


Мустақиллик йилларида юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг анча фаол ўсиши асосан 2000 йил-

дан сўнг, мамлакатимизда уларни ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган шарт-шароитлар боскичма-боскич яратила бошлангандан кейин кузатилди.

Хозирги вақтда мамлакатимиз саноати аҳолининг сифатли мебель, гилам маҳсулотлари, енгил автомобилларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлай олади. Мамлакатимизда телевизорлар, кондиционерлар ва экологик хавфсиз музлатгичлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсади. Трикотаж маҳсулотлари, оёқ кийимлар тайёрлаш ва енгил саноатнинг бошқа тармокларида ҳам ишлаб чиқариш юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Агар 2000 йилга қадар, ўтиш даврининг объектив шарт-шароитлари туфайли аҳолининг асосий ноозик-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ва таъминоти пасайган бўлса, сўнгги ўн йилликда бу борадаги кўрсаткичларда барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Бу жараёнда уй хўжаликлари эскирган ва нокулай майший ва электротехника буюмларидан воз кечиб, янги, замонавий, сифат жиҳатдан эски буюмлардан кескин фарқ қиласиган маҳсулотларни тез сотиб олмоқда.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида хисобланган

32-расм. Ўртacha ойлик иш ҳақининг харид қобилияти (минимал истеъмол саватига нисбатан, марта хисобида)

Қайд этилган даврда мутлақо янги маҳсулотлар пайдо бўлди. Бугун уларни хонадон эгалари катта қизиқиши билан сотиб олмокда: рақамли телевизор ва фотоаппаратлар, сунъий йўлдош антенналари ва мобиль телефонлар, DVD плейерлар, компьютер ва унга қўшимча қурилмалар, ноутбуклар ва бошқа электрон техникалар, қурилиш материалларининг янги турлари, қадоқлаш буюмлари ва бошқа рўзгор ашёлари шулар жумласидандир. Шуниси эътиборлики, хонадонларнинг замонавий майший ва электротехника билан таъминланиш суръатлари юртимизнинг барча ҳудудларида бир маромда, мутаносиб тарзда ўсиб бормокда.


Тадқиқот натижаларига кўра, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган буюмлар билан таъминланиш бўйича мамлакатимиизда юксак даражага эришилган. Буни ҳар 100 хонадонга 132 та телевизор, 99 та совутгич, 64 та DVD плейер, 145 та мобиль телефон тўғри келиши тасдиқлайди.

1990 – 2010 йиллар давомида юртимизда шахсий автомобиллар сони 2,4 баробар кўпайди. Шу вақт мобайнида ҳар 100 хонадонга тўғри келадиган енгил автомобиллар сони ортиб, 11,9 тадан 27,1 тага етган. Бу ҳам аҳоли фаровонлиги ва моддий салоҳияти ошиб бораётганини кўрсатади.

Аҳолининг харид қобилияти, яъни унинг ойлик маош ва пенсия ҳисобидан энг зарур истеъмол маҳсулотларини сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжларининг таъминланиши сезиларли даражада яхшиланиб бораётганини акс эттиради. Ўртача ойлик маош харид қобилиятининг ўсиш динамикаси, минимал истеъмол савати билан қиёслангандা, ҳозирги пайтда 7,2 баробар ошиди.

Жамғарма маблағлар

Аҳолининг жамғарма маблағлари истеъмол бюджетининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Юртимизда 1995 – 2010 йилларда аҳоли омонатлари ҳажми барқарор ошиб борди.



*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси
маълумотлари асосида ҳисобланган*

33-расм. Аҳоли жамғармаларининг 1995 йилга
нисбатан ўсиши

Айниқса, юқори ўсиш суръатлари 2000 – 2010 йилларга тўғри келади, бу даврда мазкур кўрсаткич 28,6 баробар ошган. Ҳозирги вақтда, сўров натижаларига кўра, мамлакатимиздаги қарийб барча хонадон соҳиблари банкларда ўз жамғарма маблағлари – омонатларига эга.


Бозор муносабатлари чуқурлашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб боргани сайин аҳолининг ялпи харажатлари таркибида янги йўналиш – тадбиркорлик фаолияти учун харажатлар йўналиши пайдо бўлди. Уларнинг улуши ҳозирги пайтда 8,5 фоизни ташкил этмоқда. Ўз моҳиятига кўра, бу усул оила хўжалигининг асосий капитал учун маблағ жамгаришнинг самарали шакли бўлиб, хусусий мулк асосида ўз даромадларини шакллантириш ва қўпайтириш имконини беради.

IV БОБ ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ


Мамлакатимизнинг ижтимоий тараққиёт борасидаги йўналишлари асосида тўрт муҳим омил мужассам: демографик тенденциялар; ижтимоий инфратузилманинг барқарор ривожланиши; аҳоли бандлик даражасининг ўсиши; унинг кўмакка муҳтоҷ ва кам таъминланган қатламларининг кучли ижтимоий муҳофазасини таъминлаш.

Демографик ривожланиш

Ўзбекистонда доимий истиқомат қилаётган аҳоли сони 2011 йилнинг бошида 28,5 миллион кишини ташкил этди. Бу кўрсаткич 1990 – 2010 йиллар мобайнида 8,2 миллион кишига кўпайди ёки 1,4 баробар ошди.




34-расм. 1990 – 2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг сони, миллион киши



Манба: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги

35-расм. Аҳолининг ўртача умр кўриши, ёш



Манба: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш вазирлиги

36-расм. Оналар ва гўдаклар ўлими кўрсаткичлари



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси

37-расм. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёш таркиби, фоизда

Юртимизда жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган пухта ўйланган демографик сиёсат натижасида аҳолининг йиллик ўртача ўсиши кейинги йилларда барқарорлашиб, ўтган асрнинг 80-йилларидағи 2 фоиздан зиёд кўрсаткич ўрниға 1,4 фоиз даражасида қайд этилмоқда.

Давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни химоя қилиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли оналар ва болалар ўртасида ўлим даражасининг изчил пасайишига эришилди: мустақиллик йилларида болалар ўлимининг умумий коэффициенти 1990 йилдаги 34,6 промилледан 2010 йилда 11,0 промиллега, оналар ўлими эса 100 минг тирик түғилган чақалокқа нисбатан тегишлича 65,3 дан 21 га тушди. Натижада аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 1990 йилдаги 67,2 ёшдан 2010 йилда 73,1 ёшга етди ёки 9 фоиздан кўпроқ ўсади.

Мамлакатимизда ижобий демографик жараёнлар аҳолининг ёш таркибини ҳам оптималлаштиришни тақозо этди. Бу жараёнда Ўзбекистон ёшлар мамлакати сифатидаги мақомини сақлаб қолмоқда, аҳолининг ўртача ёши 26,9 ёшни ташкил этмоқда.




38-расм. Ўзбекистон Республикасида никоҳ ва ажрашишлар кўрсаткичи, минг киши

Оила институтини мустаҳкамлаш, хусусан, кам таъминланган ва ёш оиласарни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий кўллаб-кувватлаш ва уй-жой шароитини яхшилаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар барқарор демографик ривожланишини таъминлаш имконини берди. Натижада 1990–2010 йилларда ёш оиласар ўртасида ажрашишлар коэффициенти 2 баробардан кўпроқ пасайди, оила қуришнинг ўртача ёши ошди ва оиласада болалар сони ўртача бўлишига эътибор қаратадиган оиласар улуши ортди. Айни вактда аҳолининг барқарор кўпайиши таъминланмоқда.

Аҳоли бандлиги

Мамлакатимизда 1990 йилдан 2010 йилга қадар иш билан банд бўлган аҳоли сони 3,7 миллион нафарга ошди ва 2010 йилнинг охирида 11,6 миллион кишини ташкил этди. Янги иш ўринларини ташкил этиш, иктисадиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтиш борасида кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг бандлик



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси


39-расм. Банд ахоли, минг киши

даражасини янада ошириш имконини берди. 2010 йил якунларига кўра, мамлакатимизда Халқаро меҳнат ташкилоти услуги асосида аниқланган ишсизлик даражаси мақбул даражада бўлиб, иқтисодий фаол аҳолининг қарийб 5 фоизини ташкил этади.


Аҳоли бандлиги таркибида муҳим ижобий ўзгаришлар таъминланди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида иш билан банд бўлганларнинг 60 фоизи давлат сектори ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 24 фоизга тушди. Бугунги кунда эса мазкур секторда умумий иш билан банд аҳолининг 20 фоиздан кўпроғи меҳнат қилмоқда.

Бандликнинг соҳалар бўйича таркибида ҳам ижобий тенденциялар кузатилмоқда: қишлоқ хўжалигига банд бўлган аҳоли сони сезиларли даражада камайди. Агар 1990 йилларнинг бошида мазкур соҳада ишловчилар сони жами иш билан банд бўлганларнинг 40 фоизини ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу рақам 25 фоизга тушди. Хизмат кўрсатиш, транспорт ва қурилиш соҳаларида эса иш билан банд бўлганлар сони ўсиб, 36 фоиздан 52 фоизга етди.

1990 йил




2010 йил



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси


40-расм. Иқтисодиётнинг давлат ва нодавлат секторларида банд бўйланлар улуси, фоизда

Бандликни таъминлашга қаратилган худудий дастурларнинг амалга оширилиши, тадбиркорликни қўллаб-куватлаш ва ривожлантириш натижасида, фақат сўнгги 5 йилнинг ўзида



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

41-расм. Тармоқлар бўйича ахоли бандлиги, фоизда




Манба: Ўзбекистон Республикаси
Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

42-расм. Худудий бандлик дастурлари асосида яратилган янги иш ўринлари, мингта ўрин

иқтисодиётнинг барча тармоқларида 3,8 миллионта янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 74 фоиздан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади. Қайд этиш жоизки, хозирги кунда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини ошириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун ҳар йили тижорат банклари томонидан 1 триллион сўмдан ортиқ миқдорда кредит маблағлари берилмоқда.

Аҳолининг бандлик даражаси ва даромадлари, унинг ҳаёт даражасини ошириш, шунингдек, меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабни янада тўлароқ қондириш бўйича юртимиз худудлари ва иқтисодиёт тармоқларидағи мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида, 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори билан 2010 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Сўнгги йилларда касаначилик ва оиласвий тадбиркорлик каби аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги шакллари фаол ривожланди. 2006–2010 йилларда мамлакатимиз корхонала-



43-расм. Янги иш ўринлари таркиби, фоизда

ри билан фуқаролар ўртасида тузилган касаначилик ва ижара шартномалари асосида 674 мингта иш ўрни ташкил этилди. Бундан ташқари, аҳолининг иқтисодий фаоллиги ошиши, ўзини ўзи бандлигини таъминлаши учун қулай шарт-шароитлар яратилиши натижасида миллий хунармандлик ва оиласвий тадбиркорлик соҳаларида 302,1 мингта иш ўрни очилди.

Дехқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар базасида чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар аҳоли бандлигини таъминлангашга сезиларли ҳисса бўлиб кўшилди. Хусусан, кам таъминланган ва кўп болали оиласларга бепул қорамол берилиши натижасида 1,4 миллион нафар қишлоқ аҳолиси дехқон хўжаликларида қорамоллар боқиши билан шуғулланиш имкониятига, ушбу фаолият тури билан шуғулланган даври пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига киритилиши хукуқига эга бўлди.

Мамлакатимизнинг барча туман ҳамда шаҳарларида иш билан банд бўлмаган аҳолига ишга жойлашиш масаласида ёрдам берадиган маҳсус марказлар ташкил этилди ва самарали фао-

лият кўрсатмоқда. Сўнгги 5 йил ичида ушбу марказлар томонидан 2,4 миллион киши бўш ва янги ўринларга ишга жойлаштирилди, 96 минг нафардан зиёд аҳоли меҳнат бозорида талаб катта бўлган касб-хунарларга ўқитилди ва малакасини оширди.

ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ

Таълим, соғлиқни саклаш соҳалари ва уй-жой сиёсатида амалга оширилган ислоҳотлар ва ушбу соҳага давлат харажатларининг самарали молиялаштирилиши натижасида ижтимоий инфратузилманинг барқарор фаолият кўрсатиши ва ривожланishi таъминланди.

Таълим

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим мақсади юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборатdir.

29-жадвал

Таълимнинг кутилаётган давомийлик муддати, йил

	1990 йил	2000 йил	2005 йил	2009 йил	2010 йил
Ўзбекистон	13,7	14,8	15,1	15,4	15,6
Ривожланган давлатлар	14,1	15,0	15,4	15,7	15,9
Ўртадан юқори ривожланиш даражасидаги давлатлар	12,3	12,8	13,4	13,7	13,8
Ўртacha ривожланиш даражасидаги давлатлар	9,7	10,0	10,5	10,9	11,0
Ўртacha даражадан паст ривожланишдаги давлатлар	7,1	7,4	7,7	8,1	8,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги. Инсон тараққиёти маъruzasi, 2010 йил БМТ Тараққиёт дастури

Мактаб таълими ривожининг сон ва сифат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2009 йил	2010 йил
Умумтаълим мактаблари ўқувчилари сони (1–9 синф), минг	4053,0	5645,8	4822,2	4676,1
Умумтаълим мактабларида 1 нафар ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони, киши	13,0	13,0	11,0	11,0
7(6) ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларнинг мактаб таълими билан қамраб олингани, мактабда ўқиши лозим бўлган болаларга нисбатан фоизда	92,1	97,4	99,3	99,3
Шу жумладан,				
Ўғил болалар	92,4	98,1	99,3	99,3
Қизлар	91,8	96,6	99,3	99,3
Дарсликлар билан таъминланиш даражаси, фоизда	55,4	76	99,5	100
Нашр этилган дарсликлар сони, минг нусха	666,7	2955,7	22699,1	33652,9
Компьютер ўқув хоналари билан таъминланиш, мактаблар сонидан фоиз нисбатида	2,4	10,4	46,4	68,2
Замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлик, мактаблар сонига нисбатан* фоизда	16,4	21,5	69,3	71,5
Мактабдан ташқари таълим муассасалари сони	371	483	563	575

*) ўртacha ҳисобда физика, кимё ва биология фани лабораториялари

Манба: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маълумотлари асосида

Айнан шу мақсадларга эришиш учун мамлакатимизда 1997–2010 йилларда кенг миқёсдаги Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди. Унинг замирида аҳолининг узлуксиз таълим олишини таъминлаш, таълим тизимининг жамиятдаги ўзгариш ва янгиланишлар, иқтисодиётдаги юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлишига эришиш концепцияси мужассам эди.

Юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида 12 йиллик мажбурий таълимга, жумладан, 9 йиллик мактаб таълими ва ундан кейинги 3 йиллик ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимига босқичма-босқич ўтилди. Таълимнинг барча босқичларида ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилди ва замонавий халқаро талабларга мос ҳолга келтирилди. Замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш, ўқувчилар учун улардан кенг фойдаланиш имкониятларини яратиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Ўқитувчилар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, уларнинг юксак малака талаб этадиган меҳнатини рағбатлантириш тизими яратилди.

2004–2010 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури амалга оширилди. Бу давр мобайнида 7800 тадан зиёд умумтаълим мактаби янгитдан курилди, таъмирланди ва реконструкция килинди, уларнинг умумий сони эса 9860 тага етди. 8 мингдан ортиқ таълим муассасаси капитал таъмирланди, газ ва сув билан таъминланди, марказлаштирилган канализация тармокларига уланди.


31-жадвал

Болалар спортининг ривожланиши

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Доимий тарзда спорт билан шуғулланувчи ўқувчилар сони, минг киши	448,8	621,7	2218,9
Спорт билан мунтазам шуғулланувчи болалар улуши, фоизда	7,4	11,5	34,8
Болалар спорти масканларининг сони	1825	2783	5980
Мактаблардаги ёпиқ спорт залларининг сони	3128	3863	6151
Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг халқаро спорт мусобақаларида қўлга киритган ютуқлари, медаллар сони	22	166	420

Манба: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги маълумотлари асосида

44-расм. 1991 йилгача фаолият күрсатган таълим тизими



45-расм. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган таълим тизими



**Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими
ривожланиши кўрсаткичлари**


Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2009 йил	2010 йил
Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилар сони, минг ўқувчи	494,7	532,6	1510,8	1623,1
Қизлар упуши, фоиз ҳисобида	45,0	47,4	49,1	48,5
Умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини ўрта маҳсус, қасб- хунар таълими билан қамраб олиш кўрсаткичлари, фоизда	32,2	41,7	96,8	97,1
Шу жумладан,				
Ўғил болалар	33,9	33,9	97,2	97,2
Қизлар	28,6	31,0	96,5	97,0
Фойдаланишга топширилган ётоқхоналар, улардаги ўринлар сони, минг киши	–	30,2	92,0	95,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Ўрта умумтаълим мактабларида таълим давлат тилидан ташқари, яна 7 тилда олиб борилмоқда: рус тилида – 806 та мактабда, корақалпоқ тилида – 394 та мактабда, қозоқ тилида – 483 та мактабда, тожик тилида – 238 та мактабда, кирғиз тилида – 61 та, туркман тилида – 46 та мактабда ва бошқа тилларда.

Мамлакатимизда замонавий таълим стандартлари асосида жиҳозланган 1539 та қасб-хунар коллежи ва академик лицей фаолият юритмоқда, ҳозирги кунда уларда 1623,1 минг нафар ўқувчи билим олмоқда.

1998–2010 йиллар давомида ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими ўқув муассасаларини янгитдан қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш учун қарийб 2,5 триллион сўм сарфланди. Барча қасб-хунар коллежлари ва академик лицейлар замонавий таълим стандартлари талаблари асосида жиҳозланди.



46-расм. Касб-хунар колледжлари ва академик лицейлар динамикаси
(ўсаётган бирликда)

Олий таълим тизимида бакалавриат ва магистратурадан иборат икки босқичли халқаро стандартга ўтиш амалга оширилди.

Мамлакатимизда Халқаро Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ институти, Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт Академияси, Турин политехника университети, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети каби халқаро олий ўкув юртларининг филиаллари ташкил этилган ва самарали фаолият юритмоқда.

33-жадвал

Олий таълимнинг ривожланиш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1990–1991 ўкув йили	2000–2001 ўкув йили	2009–2010 ўкув йили
Олий ўкув юртлари сони	37	60	66
шу жумладан, хорижий олий ўкув юртларининг филиаллари	–	1	6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги

Ҳозирги кунда юқорида қайд этилган олий ўқув юртларида энг юксак халқаро стандартлар асосида бизнес, иқтисодиёт, ҳуқук, ахборот технологиялари соҳалари бўйича талаб қилинаётган мутахассислар, нефтгаз тармоғи ва геология қидибуви муҳандислари, замонавий машинасозлик, социология ва психология йўналишлари учун кадрлар тайёрланмоқда.

Олий таълимнинг 150 дан зиёд бакалавр йўналиши ва 650 та магистратура мутахассислиги бўйича давлат таълим стандартлари жорий этилди. Талабаларни тест синовлари натижалари асосида ўқишга қабул қилишга тўлиқ ўтилди.

Ҳозирги пайтда олий таълим муассасаларида 24 минг нафардан зиёд педагог меҳнат қилмоқда, улардан 11 фоизи профессор ва фан доктори, 31 фоизи эса фан номзоди илмий унвонига эга.

Олий ўқув юртларининг илм-фан салоҳияти ҳам самарали натижалар бермоқда. Фақат 2010 йилнинг ўзида олий ўқув юртлари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида инновацион лойиҳа ва технологиялар ишлаб чиқиш учун умумий қиймати 4,7 миллиард сўмдан зиёд шартномалар тузилди, давлат фан ва техника дастурлари ҳажми эса қарийб 6 миллиард сўмни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 1998 йилда қабул қилинган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури мамлакатимизда бутун тиббиёт тизими ни тубдан қайта қуриш, кўп сарф-харажат талаб этадиган ва ҳамма вақт ҳам самарали бўлмаган стационар тиббий ёрдамдан амбулатор-поликлиника ва профилактика тиббиётига устувор аҳамият беришга ўтишда муҳим омил бўлди. Қишлоқ жойла-рида яхши самара бермаётган фельдшер-акушерлик пунктлари ўрнига қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) ташкил этилди.

Биргина 2010 йилнинг ўзида стационар тиббиёт муассасаларида қўшимча 1630 та даволаниш ўрни ташкил этилди. Бу



47-расм. Амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатадиган тиббиёт муассасалари сони



Манба: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

48-расм. Ўзбекистон Республикасида шошилинч тиббий ёрдамни ташкил этиш тизими

Амбулатория-поликлиника муассасалари фаолияти

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Амбулатория-поликлиника тиббий хизматини кўрсатувчи тиббиёт масканлари сони	3139	4847	5886
Шу жумладан, қишлоқ ва шаҳар врачлик пунктлари	–	1567	3208
Амбулатория-поликлиника муассасаларининг қабул юввати, минг киши	275,7	391,5	416,0
Бир кишининг тиббиёт муассасаларига ўртacha ташрифи, марта	6,5*	8,8	9,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги


**) 1991 йил маълумотлари*

кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 2,5 баробар кўп демақдир. 2010 йилда соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-кувватлаш мақсадида 2 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси амбулатор-поликлиника бўғинининг мустаҳкамланиши туфайли беморларнинг шифохоналарда ётиб даволаниш даражаси ҳар 100 кишига нисбатан камайиб, 1990 йилдаги 24,6 кишидан 2010 йилда 16,7 кишига тушди ва беморнинг касалхонада даволаниши ўртacha 14,8 кун ўрнига 8,3 кунга тўғри келмоқда.

2001 йилда мамлакатимизда тиббиёт фанининг энг илғор ютуқлари асосида кескин ва кечиктириб бўлмайдиган вазиятларда шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит тизими яратилди. Шошилинч тиббий ёрдам тизимини ташкил этиш ва жиҳозлаш учун 11,5 миллиард сўм ва 61,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий кредитлар сарфланди.

Аҳолига юқори сифатли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида, Республика маҳсус ихтинослаштирилган марказлари ташкил этилди ва фаолияти йўлга кўйилди.




Манба: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

*49-расм. Иҳтисослаштирилган тиббий
ёрдамни ташкил этиш тизими*


Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида, ижтимоий соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлган она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи етакчи ўрин эгаллади.

Йодланган туз ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилиши, унни бойитиш дастурларининг амалга оширилиши, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларининг олиб борилиши натижасида юртимизда йод танқислиги, темир моддаси ва фолий кислота



Манба: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

50-расм. Акушерлик ва перинатал хизмат ишини ташкил этиш схемаси



- Йод етишмовчилигидан келиб чиқсан касалликлар
- Беш ёшгача бўлган болаларда темир моддасининг етишмовчилиги

Манба: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

51-расм. Йод ва темир моддаси етишмовчилиги билан боғлиқ касалликларнинг камайиши, фоизда

Репродуктив саломатлик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2009 йил	2010 йил
Ҳар 100 минг нафар гўдакка нисбатан оналар ўлими	65,3	33,1	30,4	21,0
Гўдаклар ўлими, промилле	34,6	18,9	11,7	11,0
Ҳомилани сунъий равишда тўхтатиш, туғиши ёшидаги ҳар 1000 аёлга нисбатан	39	9,7	5,9	4,9
Туғуруқларнинг умумий сонида 2 йилдан зиёд муддатдаги туғишиларнинг улуши, фоиз ҳисобида	74,6	90,9	95,2	95,5
Ҳомила учун қулай ёшдаги (20–30 ёш) туғуруқларнинг умумий туғруқ кўрсаткичларига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида	80,1	82,7	82,0	83,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Алоҳида кўринишдаги юқумли касалликлар билан касалланиш, ҳар 100 минг аҳолига

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Полиомиелит	0,1	0	0
Ичтерлама	3,7	0,7	0
Қизамиқ	9,5	0,3	0,3
Дифтерия	0,13	0,01	0
Гепатит	856,4	234,7	107,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

**Шифокорлар ва ўрта бўғин тиббиёт
ходимларини тайёрлаш**

Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Тиббиёт олий ўқув юртлари битирувчилари сони	3110	2268	3870
Тиббиёт йўналишидаги ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасалари битирувчилари	19383	22803	70907

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Фармацевтика саноатининг ривожи

	1990 йил	2010 йил
Тиббиёт анжомлари, асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган тармоқлар сони	3	112
Ишлаб чиқарилаётган дори-дармонларнинг номлари сони	80	870
Дорихона муассасаларининг сони	835	4837

Манба: Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги

етишмаслиги билан боғлик касалликлар сўнгги ўн йил ичидаги 2 баробар камайди.

Мамлакатимизда касалликларнинг олдини олиш ва турли юқумли касалликларга қарши чора-тадбирларнинг аниқ мақсадли ҳамда самарали ташкил этилиши натижасида кўплаб юқумли касалликларнинг олдини олиш ва батамом бартараф этиш борасида сезиларли ютукларга эришилди.

Санитария-эпидемиологик жиҳатдан қулай вазиятни таъминлашга қаратилган тадбирларнинг асосий йўналиши орт-

тирилган иммунитет вируси (ОИВ) инфекциясининг олдини олиш билан боғлиқ. Бугунги кунда мамлакатимизда орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)га қарши курашиш бўйича Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, унинг вилоятлардаги 14 та филиали, республика, вилоят ва туман соглиқни сақлаш бошқармалари ҳузуридаги 78 та ОИВ диагностикаси лабораторияларини қамраб олган умуммиллий муассасалар тармоги яратилди. Бу тиббиёт масканларининг барчаси зарур диагностика ускуналари ва материаллар билан таъминланган, давлатимиз томонидан тиббиёт ходимларини тайёрлаш сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қудратли фармацевтика саноати яратилди. Биргина 2010 йилнинг ўзида мазкур саноат тармоғида 32 турдаги янги дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу кўрсаткич 2009 йилдагидан 23 фоиз кўпdir.

Коммунал соҳанинг ривожланиши

Мустақилликнинг дастлабки йилларида амалга оширилган «кичик» хусусийлаштириш натижасида 96 фоиздан зиёд оила илгари давлат тасарруфида бўлган уй-жойларни шахсий мулк килиб олишди.

Аҳолининг уй-жой билан таъминланиш даражаси 1990 йилда ҳар бир кишига 12,1 квадрат метрни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 15,2 квадрат метрга етди ёки 1,26 баробар ортди. Бугунги кунда қарийб 77,4 фоиз оила алоҳида уй ва котежларда истиқомат қилмоқда.


Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш давлат дастурининг амалга оширилиши натижасида бу соҳадаги вазият тубдан яхшиланди.

Умуман, мустақиллик йилларида коммунал соҳа ривожи учун 676,4 миллион доллар микдоридаги узоқ муддатли имтиёзли хорижий инвестиция ва кредитлар жалб этилди.

Аҳолининг коммунал хизматлар билан таъминланиш даражаси, аҳолининг умумий сонига нисбатан фоизда


Кўрсаткичлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Ичимлик суви таъминоти	64,0	80,4	82,6
шу жумладан, қишлоқ жойларда	55,0	72,3	75,8
Табиий газ таъминоти	44,6	76,1	83,7
шу жумладан, қишлоқ жойларда	19,3	65,9	77,7
Марказий иситиш тизими	29,1	35,4	41,0
Оқовалаштириш хизмати (канализация)	25,5	28,3	37,1
Бир кишига тўғри келадиган ўртача уй-жой майдони, квадрат метр ҳисобида	12,1	13,8	15,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

52-расм. Аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлиги, фоизда



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

53-расм. Аҳолининг табиий газ билан таъминланганлиги, фоизда

Аҳолининг тоза ичимлик суви ва табиий газдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришда юқорида зикр этилган дастур билан бирга, магистрал ичимлик суви ва табиий газ тармоқларини қуриш бўйича аниқ мақсадли давлат дастурларининг амалга оширилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1991–2009 йилларда 54 минг километрдан зиёд, шу жумладан, қишлоқ жойларда 47,9 минг километрлик сув тармоқлари ва ичимлик суви қувурлари, 74 минг километрдан ортиқ, шу жумладан, қишлоқ жойларда 67,6 минг километрлик газ тармоқлари қурилиб, ишга туширилди.

Ижтимоий соҳани молиялаштириш

Маълумки, ижтимоий ривожланиш масалаларини ҳал этиш ижтимоий соҳани молиялаштириш кўлами ва ушбу мақсадларга ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш билан бевосита боғлик.

Мустакиллик йилларида ижтимоий соҳа ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси учун йўналтирилган давлат харажатлари 5 баробардан зиёд ошди. Ҳар йили Давлат бюджети харажатларининг ярмидан ортиги ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

2010 йилда Давлат бюджети маблағларидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, умуман, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун 1,7 триллион сўм микдорида маблағ ажратилди ва бу 2009 йилдагига нисбатан 30 фоиз, 2008 йилдагига нисбатан эса 2 баробар кўп демакдир.

Ўзбекистонда ҳар йили таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10–12 фоизини ташкил этмоқда, дунё амалиётида эса бу кўрсаткич 3–5 фоиздан ошмайди.

УБОБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИННИГ 2011–2015 ЙИЛЛАРГА МҮЛЖАЛЛАНГАН АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ (ПРОГНОЗЛАР)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Демократик ислоҳотларни янада чукурлашириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да баён этилган иқтисодий ислоҳотларни янада чукурлашириш ва мамлакатни модернизация қилишнинг стратегик йўналишлари мамлакатимиз иқтисодиётини яқин йиллар ичida ривожлантиришнинг асосий прогноз кўрсаткичлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда чукур ва пухта таҳлиллар асосида 2011–2015 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган, бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган тўртта стратегик дастурни амалга ошириш бошланган бўлиб, уларда саноат, инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, молия-банк тизимини янада ислоҳ этиш ва унинг баркарорлигини ошириш, шунингдек, юртимизда қулай ишчан муҳит ҳамда уни баҳолашнинг халқаро мезонларини шакллантириш кўзда тутилади.

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

2011–2015 йиллардаги энг муҳим вазифа – макроиқтисодий баркарорлик ва изчил юкори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, унинг сифат кўрсаткичларини иқтисодиёт тармоқларини янада диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация этиш, техник ва технологик янгилаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг ички ва ташки бозорлардаги рақобатдошлигини ошириш ҳисобидан яхшилашдан иборат.

Яқин йилларда ялпи ички маҳсулотнинг йилига 8 фоиздан ортиқ бўлган даражадаги барқарор ўсиш суръатларини таъ-

минлаш, умуман 2011–2015 йиллар давомида унинг ҳажми 1,5 баробар, харид қобилияти паритети бўйича эса 1,6 баробар хисобидаги ўсишга эришиш кўзда тутилмоқда. Бунда иқтисодий ўсиш барқарорлиги макроиктисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги, паст инфляция кўрсаткичлари ва миллий валюта курсининг барқарорлиги орқали таъминланади.

Келгуси йилларда ички талабнинг ошиб боришига муҳим аҳамият берилади. Чунки жаҳон иқтисодиёти ва маҳсулотлар бозорларидаги бекарорлик шароитида бундай ёндашув иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг барқарорлаштирувчи ва рагбатлантирувчи омили сифатида муҳим ўрин тутади.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва уни янада диверсификация қилиш саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушкини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга, қурилишда – 6,4 фоиздан 7,6 фоизга ошириш имконини беради. Натижада 2011–2015 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,3 баробар ортгани ҳолда, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуси 17,5 фоиздан 13,5 фоизга тушади.

Бутун мамлакатимиз ва барча минтақаларда ўта қулай ишчан муҳитни яратиш, табдиркорликка янада кўпроқ эркинликлар бериш, асоссиз турли бюрократик тўсиқларни барҳам топтириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал суръатларда, биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва юқори технологияли тармоқларда ривожлантиришни, мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуси 2010 йилдаги 52,5 фоиздан 2015 йилда ривожланган мамлакатлардаги каби, 60 фоиздан юқори бўлишини таъминлайди.

Инвестиция сиёсати

2011–2015 йилларда таркибий ўзгаришларни иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини диверсификация ва модернизация қилишни изчил давом эттириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, шунингдек, транспорт, муҳандислик, коммуникация ва ижтимоий инфраструктуранарни ривожлантириш жараёнларини янада чукурлаштиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсати олиб борилади.

Ушбу мақсадлар учун 2011–2015 йиллар давомида охирги 5 йил мобайнида ўзлаштирилган инвестицияларга қараганда 2 баробар кўп, жами 77,4 миллиард доллар миқдоридаги инвестицияларни йўналтириш мўлжалланмокда. Асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улуши 24 фоиздан кам бўлмаслиги таркибий ўзгартиришларни жадал амалга ошириш ва иқтисодиётни модернизация қилишни таъминлайди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг асосий ҳажми ички ресурсларни сафарбар қилиш ҳисобидан амалга оширилади. Келгуси йилларда бу кўрсаткич ялпи капитал қўйилмалар ҳажмининг 76 фоизини ташкил этади.

Бу маблағлар, аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни амалга ошираётган корхоналарнинг ўз маблағларини кўпайтириши, солик юкини янада камайтириш, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш ва аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадларини ошириш ҳисобидан ҳосил бўлади.

Стратегик муҳим, биринчи навбатда, инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция қилиш ва модернизация этишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга ички ресурсларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамгармаси алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур жамгарманинг таркибий ўзгаришлардаги тобора ортиб бораётган ролини инобатга олган ҳолда, яқин йилларда унинг ҳисобида 10 миллиард доллардан зиёд маблағ жамланади.

2011–2015 йилларда ёқилғи-энергетика тармогини, машинасозлик ва автомобилсозликни ривожлантириш, электр энергетика соҳасида энергия ишлаб чиқариш қувватларининг самарадорлигини ошириш ва диверсификация қилиш, металлургия саноатини комплекс модернизация этиш, кимё саноатини ривожлантириш ва диверсификация қилиш, транспорт ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамгармаси томонидан 4,7 миллиард доллардан зиёд маблағ йўналтирилади.

Мазкур жамғарманинг энг мухим вазифаларидан бири стратегик инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш мақсадида йирик хорижий инвестор ва шерикларни жалб этишдир. Масалан, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган, умумий қиймати 1,28 миллиард долларга тенг бўлган Толлимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ мосламасини куриш лойиҳаси шулар жумласидандир.

Келгуси йиллардаги устувор йўналишлардан бири мамлакатимиизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун ишончли кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция мухитини шакллантиришдан иборатdir.

Бу вазифани амалга ошириш орқали 2011 – 2015 йиллар давомида 13 миллиард доллардан зиёд ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 1,7 баробар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлайди. Ушбу маблағлар энг илгор технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларини чукур қайта ишлаш ҳамда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича чет эл инвесторлари иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

Бундай лойиҳалар ҳақида сўз борганда, аввало, Сургиль кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо этиш, Шўргап газ-кимё мажмуасида тозаланган метан базасида суюлтирилган синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш, Муборак газ-кимё мажмуасини куриш, Қандим гуруҳи конларини ўзлаштириб, газни қайта ишлайдиган завод барпо этиш, Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқарадиган замонавий комплекс куриш, автомобильъ двигателлари, катта ҳажмда юқ ташийдиган «МАН» автомобиллари, «Мерседес-Бенц» шассиси базасида кўп ўринли автобуслар, «Клаас» компанияси билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, техник ва поликристалл кремний ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклига эга

бўлган вертикал интеграциялашган текстиль мажмуаларини, тайёр дори препаратларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни барпо этиш ва бошқа лойиҳаларни қайд этиш мумкин.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришда Ўзбекистон йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банкларни, биринчи навбатда мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билдираётган Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва ХХР тараққиёт банклари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондларини жалб этиш масаласига катта аҳамият беради.

Айнан ана шу ҳамкорликнинг молиявий кўмагида келгуси йиллар давомида Ўзбек миллий автомагистрали участкаларини куриш, ичимлик суви билан таъминлаш тизимларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, поливинилхlorид ва каустик сода ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуа барпо этиш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш каби кўплаб лойиҳалар амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, 2011–2015 йилларда жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 18,6 миллиард долларни ташкил этади ёки ўтган беш йилдагига нисбатан 2 баробар кўп бўлади. Уларнинг 75 фоиздан ортигини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Бу борада қарз маблағлари узоқ муддатли асосда фақат ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, хорижий молиявий институтларнинг кредит линияларини мамлакатимиз тижорат банклари орқали қайта молиялаштириш йўли билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-куvvatлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилади.

Банк-молия соҳасини янада ислоҳ этиш

2011 – 2015 йилларда мамлакатимиз банк-молия тизими-ни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналиши тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш ҳамда уларнинг ресурс базасини мустахкамлашдан иборат.

2010 йилда қабул қилинган Республика молия-банк тизими-ни янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш дастурида 2011 – 2015 йилларда банкларнинг ялпи капиталини кўшимча акциялар чиқариш ҳисобидан 2,1 баробар, шунингдек, аҳоли ва хўжалик субъектларининг депозитларини банклар томонидан жалб қилиниш ҳажмини 2,5 баробар ошириш кўзда тутилган.

Қайд этилган чора-тадбирларни амалга ошириш иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашга йўналтириладиган ички манбаларни янада кўпайтириш, тижорат банкларининг кредит портфелини кенгайтириш ҳамда иқтисодиётнинг реал сектори инвестиция лойиҳаларини, биринчи навбатда, мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидағи саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини амалга оширишда банк тизимининг ролини кучайтириш имконини беради.

Тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхона ва тармоқлари инвестиция лойиҳаларини кредитлаш ҳажми 2011 – 2015 йилларда 2,8 баробар ўсади ва 12 миллиард доллардан ошади.

2011 – 2015 йилларда тижорат банклари томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари ва бошлангич капитални шакллантириш учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш, «Микрокредитбанк» тарафидан берилаётган имтиёзли микрокредитлашнинг кенгайишини молиялаштириш ҳажми 2,7 баробар ортади.

Шулар қаторида, банк-молия тизимини ривожлантириш борасидаги асосий эътибор халқаро стандарт ва талабларга мувофиқ тижорат банклари ҳамда банкдан ташқари кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг кредит порт-

фели сифатини доимий мониторинг қилишни таъминлаш, шунингдек, кўрсатиладиган молиявий хизматларнинг тури ва қўламини кенгайтириш, сифатини оширишга қаратилади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2011 – 2012 йилларда банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини, шунингдек, банқдан ташқари кредит ташкилотларининг фаолияти устидан назоратни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, тижорат банклари ва бутун молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш учун молиявий институтлар фаолиятини баҳолаш ва таҳлил этишининг етакчи халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан кўлланадиган мезон ва стандартларига асосланган янги тизими ишлаб чиқилади.

Шу билан бирга, яқин йилларда микромолиялаш соҳасини янада ривожлантириш, банқдан ташқари кредит ташкилотлари барқарорлигини ошириш ва уларнинг тармоғини кенгайтириш борасидаги ишлар давом эттирилади. Натижада 2015 йилга бориб уларнинг сони 1,7 баробар, жами капитали – 2,1 баробар, улар томонидан бериладиган микрокредитлар ва кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар ҳажми – 2,8 баробар ортади.

Саноат ривожи

Саноатни барқарор, жадал ва мутаносиб ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш негизида саноатнинг асосий тармоқларини диверсификация қилиш, экспортга йўналтирилган ҳамда импорт ўрнини босадиган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар 2011 – 2015 йилларда юртимизда саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 1,6 баробар оширишга қаратилган.

Саноат тармоқлари самараадорлиги ва рақобатдошлигини янада ошириш мақсадида, 2011 – 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида дастур қабул қилинди. Ушбу Дастурда жами 47,5 миллиард долларлик 500 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш белгиланган.

Дастурда энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тұқымачилик ва енгил саноат соҳалари, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика, қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини сифатли ва чуқур кайта ишлаш, курилиш материаллари ишлаб чыкариш каби устувор тармоктарни жадал ривожлантириш назарда тутилған.

Хусусан, 2011 – 2015 йилларда ёқылғи-энергетика комплексини ривожлантириш доирасыда мамлакатимиз энергетика салохиятини янада ривожлантириш, ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш, истеъмолчиларни энергия билан ишончли ва сифатли таъминлаш, энергия қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилған ўнлаб инвестиция лойиҳалари амалга оширилади. Ушбу чора-тадбирлар-нинг амалга оширилиши натижасыда 2015 йилга бориб саноатда сарфланадиган энергия улушини камида 30 фоиз камайтириш мүлжалланмоқда.

Кимё маҳсулотлари ишлаб чыкаришда рақобат қила олиш устунликларига, жумладан, табиий ресурсларнинг улкан салохиятига, кудратли ишлаб чыкариш ва техник база ҳамда юқори малакали кадрларга эга бўлган кимё саноати инвестициялар ва янги лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб этувчан йўналиш ҳисобланади. Бу соҳада 2011 – 2015 йилларда кимё ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш, материаллар ва тайёр маҳсулотларнинг принципиал янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилған 30 дан ортиқ инвестиция лойиҳаси амалга оширилади ва кимё маҳсулотларини ишлаб чыкариш ҳажми 1,6 баробар оширилади.

2011 – 2015 йилларда машинасозлик соҳасыда енгил автомобиллар ишлаб чыкаришни 1,2 баробар, замонавий автобуслар ишлаб чыкаришни 1,3 баробар, совутгич ва музлатгичлар ишлаб чиқаришни 4 баробар ҳамда телевизорлар ишлаб чыкаришни 5,1 баробар оширишга қаратилған 80 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Хусусан, 2011 йилда «Женерал Моторе» компанияси билан ҳамкорликда автомобилларнинг кучланиш агрегатларини ишлаб чиқарадиган корхонанинг фойдаланишга топширилиши нафақат ички эҳтиёжларни тўлиқ таъминлаш ёки маҳаллий автомобилларни

маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, балки автомобиль двигательларини ташки бозорларга экспорт қилиш имконини ҳам яратади. Самарқанд вилоятида катта ҳажмда юк ташийдиган «МАН» русумидаги автотранспорт воситаларини ишлаб чиқарадиган ва уларга хизмат кўрсатадиган мажмуанинг ташкил этилиши ҳам юк автомобилларига бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш бўйича кооперация алоқаларининг ривожланиши учун асос бўлади.

Вертикал интеграциялашган янги замонавий тўқимачилик мажмуаларининг қурилиши пахта толасини юртимиизда қайта ишлаш ҳажмининг 2 баробардан зиёд ошишини тъминлайди. Бу, ўз навбатида, 2011 – 2015 йилларда калава ишлаб чиқаришни 2,6 баробар, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмлари тайёрлашни тегишлича 3,2 ва 2,6 баробар ҳамда тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортини 1,7 баробар ошириш имконини беради.

Дастурнинг устувор йўналишларидан бири фармацевтика саноатини ривожлантиришdir. Ушбу йўналишда фармацевтика корхоналарини ташкил этиш ва модернизация қилиш орқали 150 дан ортиқ замонавий дори препаратларининг янги турларини ўзлаштириш, шу орқали дори-дармонлар истеъмоли таркибида юртимиизда ишлаб чиқарилган дори-дармонлар улушкини 3 баробардан зиёд ошириш назарда тутилган.

Келгусида «Навоий» эркин индустрисал-иктисодий зонаси салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур зонада етакчи хорижий корхоналар билан ҳамкорликда автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар, энг янги иситиши мосламалари, кимё ва нефть-кимё маҳсулотлари, майший электроника ва алоқа воситалари ишлаб чиқариш бўйича ўнлаб юқори технологияга асосланган янги замонавий ишлаб чиқариш кувватларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимиздаги хомашё ва табиий ресурсларни чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшилган қийматга эга бўлган саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни жадал амалга ошириш саноат таркибида қайта ишлаш тармокларининг улушкини ошириб, 2010 йилдаги 41 фоиздан 2015 йилда 49 фоизга етказиш имконини беради.

Дастурни амалга ошириш 2011 – 2015 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, ялпи ички маҳсулотда

саноатнинг улуси 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга етказилиши, шунингдек, юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортининг ошишини таъминлайди. Бунда умумий экспорт хажмида саноат маҳсулотларининг улуси 1,4 баробар ортади.

Қишлоқ хўжалиги ривожи

Келгуси йилларда саноат учун энг муҳим хомашё манбай бўлган, ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор тўлдириш ва экспорт салоҳиятини оширишни таъминлайдиган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, соҳани техник ва технологик қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга катта эътибор қаратилади.

Мухтасар айтганда, 2015 йилда 2010 йилга нисбатан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 баробар ошириш кўзда тутилган. Бу борада келгуси йилларда қишлоқ хўжалигига олиб бориладиган ўзгаришларнинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш негизида маҳсулот етиштириш ҳажмининг изчил ўсиб боришини таъминлашнинг асосий шакли бўлган фермерлик институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўлади.

Келгуси йилларда ўсимликшунослик соҳасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда илғор агротехнологияларни, хомашё ва сувни тежайдиган замонавий технологияларни, селекция ва уругчилик усусларини жорий этишга алоҳида аҳамият берилади.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши 2011 – 2015 йилларда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўтариш, минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоиз ошириш, шунингдек, сугориш учун сув сарфини 12 фоиз камайтириш имконини беради.

Шу билан бирга, бу чора-тадбирлар мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлашни 1,5 баробар, картошка етиштиришини 1,4 баробар, полиз ва узум етиштиришни 1,3 баробар

кўпайтириш, уларнинг кишлоқ хўжалиги экинлари таркибидаги умумий улушини, техник экинлар ва ғалла етиштириш ҳажмини барқарор сақлаб қолган ҳолда, 2010 йилдаги 59 фоиздан 2015 йилда 70 фоизга етказиш ҳисобидан кишлоқ хўжалигида ишлаб-чиқариш таркибини сифат жиҳатидан ўзгаришишга кўмаклашади.

2011 – 2015 йилларда чорвачиликнинг янада ривожлантириш ва модернизация қилиш доирасида наслчилик ишларини такомиллаштириш, мустаҳкам озуқа базаси ва замонавий технологияларни жорий этиш асосида соҳага хизмат кўрсатиш инфратузилмасини яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бу чора-тадбирлар наслчилик хўжаликларини 2,5 баробар, озуқа экинлари майдонини 1,3 баробар ошириш, зооветеринария пункктларини замонавий ускунга ва инвентарлар билан таъминлаш даражасини ошириш имконини беради. Натижада келгуси йилларда йирик ва майда шохли қорамолларнинг бош сони 1,3 баробар кўпаяди, гўшт ва сут маҳсулотлари 1,3 баробардан зиёд ошади.

Паррандачилик ва балиқчиликни жадал ривожлантириш келгуси йилларда чорвачилик маҳсулотлари ҳажми ўсишида кўшимча омил бўлади. Хусусан, паррандалар бош сонини 2010 йилга нисбатан 1,8 баробар оширган ҳолда, 1000 дан зиёд хусусий паррандачилик фермалари ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1,6 баробар ошириш имконини берадиган 670 та хусусий балиқчилик хўжалигини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини узок муддат сақлаш кувватларини ташкил этиш ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш борасидаги комплекс чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилиб, кишлоқ жойларда замонавий минитехнологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш, озиқ-овқат товарлари сифатини ошириш ва ассортиментини кенгайтириш натижасида 2011 – 2015 йилларда мева-сабзавот консерваси ишлаб чиқариш 1,7 баробар, гўшт консерваси – 2,2 баробар, колбаса маҳсулотлари – 1,8 баробар, сут маҳсулотлари 1,9 баробар, сариёғ тайёрлаш 1,8 баробар оширилади.

Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қайд этилган прогноз параметрларига эришиш учун 2011 – 2015 йилларда суғо-

риладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш ва унумдорлигини ошириш чоралари кўрилади.

Махсус ташкил этилган Суфориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди маблаглари ҳисобидан 2011 – 2015 йилларда мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва тъмирлаш, томчилатиб суфориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаси харид қилиш бўйича қарийб 500 миллион долларга тенг қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган 1,4 миллион гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини беради.

Келгуси йилларда қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги ишлар давом эттирилади. Қишлоқ хўжалиги тармоғини 28 мингдан зиёд юқори ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги авлод тракторлари, комбайнлар, бульдозерлар, экскаваторлар ва тиркама техникалар билан таъминлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш натижасида тракторлар ва комбайнлар парки ўрта хисобда 60 фоиз, экскаваторлар ва бульдозерлар парки 90 фоиз янгиланади, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиб, эксплуатация харажатлари камаяди.

Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юртимиизда Германиянинг «Клаас» компанияси ва бошқа илғор хорижий компаниилар билан биргаликда замонавий турдаги қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлаб чиқариш ва уларға хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган янги корхоналар ташкил этилишига хизмат қиласди.

Инфратузилма ривожи

Иқтисодиётни изчил ва барқарор тараққий эттириш инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳамда ягона транспорт тизими ва телекоммуникация тармоғини шакллантириш билан узвий боғлиқдир. Шунингдек, инфратузилмани кенгайтириш янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг бандлик даражасини ошириш каби ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2011 – 2015 йилларда транспорт тизимини ривожлантириш дастури доирасида Ўзбек миллий автомагистрали, минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга молик йўллардан иборат мамлакатимиз автомобиль йўлларининг ягона тармоғини шакллантириш борасидаги ишлар давом эттирилади. Бу эса, ўз навбатида, давлатимизнинг барча ҳудудларини транспорт коммуникацияси билан ишончли тарзда ўзаро боғлаш, транспорт харажатларини қисқартириш, юк ва йўловчи ташиш самарадорлигини ошириш имконини яратади. Асосий автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилишда 4 полосали харакатни йўлга қўйиш, йўллар юзасига замонавий асфальтбетон ва цементбетон қопламалар ётқизиш, йўл ўтказгичлар қуриш бўйича энг илғор ҳалқаро стандартлар жорий қилинади.

2010 йилда қабул қилинган 2011 – 2015 йилларда инфраструктурмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастури цементбетон қопламали ҳалқаро ва республика аҳамиятига молик йўлларнинг узунлиги 2010 йилга таққослаганда 3,1 баробар, биринчи тоифага кирадиган автомобиль йўлларининг 4 полосали участкалари 1,9 баробар кўпайиши, уларнинг Ўзбек миллий автомагистрали таркибидағи улуши 2010 йилдаги 47,4 фоиздан 2015 йилга бориб 88,3 фоизга ўсишини кўзда тутади.

Автомобиль йўллар тармоғини ривожлантириш борасидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида 700 дан ортиқ йўл-курилиш техникаси харид қилиш кўзда тутилмоқда. Бунинг натижасида йўл қуриш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланадиган хизматларнинг замонавий техника билан жиҳозланиш даражаси 2015 йилда ҳозирги вактдаги 39 фоиздан 58 фоизга етади.

2011 – 2015 йилларда темир йўл инфратузилмасини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари поездлар нисбатан серқатнов бўлган участкаларни электрлаштириш орқали уларнинг самарадорлигини ошириш, локомотивлар паркини янгилаш, юк вагонларини таъмирлаш базасини кенгайтириш ва янги вагонлар қуриш, бошқарув тизимини модернизация қилиш, шунингдек, хизмат кўрсатиш, йўловчиларни манзилига тез ва қулай шароитларда етказиш сифатини янада оширишдан иборат.

Электрлаштирилган темир йўл участкаларининг мамлакатимиздаги мавжуд умумий узунлигидаги улуши 2010 йилдаги 36 фоиздан 2015 йилда 42 фоизга етказилади. Бунда Мароқанд-Қарши – Термиз (465 км.) ва Мароқанд – Бухоро (250 км.) участкаларининг электрлаштирилиши муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Йўловчилар ташиш тизимини ривожлантириш мақсадида, 2011 йилда «Тошкент – Самарқанд» йўналиши бўйича замонавий кулайликларга эга бўлган «Тальго – 250» (Испания) поездлари юрадиган тезюарар поезд қатновини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Бундай кулайлик йўл юриш вақтини бир ярим баробар қисқартириш имконини беради.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан ҳозирги кунда давом этаётган авиаация ташувлар тизимини модернизация қилиш жараёни доирасида 7 та «Эйрбас – 320» русумидаги ҳаво лайнери харид килинди. Бу эса 2011 йилда йўловчилар ташишни тўлиқ замонавий авиарайнерларга ўтказиш ҳамда ҳаво кемалари қатновини хавфсиз, халқаро стандартлар талаблари даражасида ташкил этиш имконини берди. Келгуси йилларда 10 та «Эйрбас» ва «Боинг», шу жумладан, 2 та «Боинг – 787 Дримлайнер» самолётларини харид қилиб, ҳаво кемалари паркини янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Авиация ташувларининг ердаги инфратузилмасини кенгайтириш мақсадида Тошкент шаҳри аэропортида маҳаллий қатновларни қабул қиласиган аэровокзалнинг янги терминалини куриш, жами 8 та аэропортнинг, жумладан, Бухоро, Термиз, Навоий ва бошқа минтақавий марказлардаги аэропортларни реконструкция ва модернизация қилиш, шунингдек, ҳаво флотининг хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш базасини мустаҳкамлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Келгуси йилларда Ўзбекистон худудида юкларни ишончли тарзда ички ва халқаро ташишни таъминлайдиган транспорт ва логистика тизимини такомиллаштириш бўйича изчил ишлар давом эттирилади. Хусусан, «Ангрен» халқаро логистика маркази фаолиятини янада ривожлантириш, унинг контейнер билан кела-диган юкларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва жўнатиш кувватини ошириш борасида комплекс тадбирларни амалга ошириш на-

тижасида Қамчик довони орқали юкларни замонавий усулда цистерна-контейнерларда ташиш тизимини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

«Навоий» аэропорти базасида ташкил этилган халқаро интермодаль логистика маркази ҳозирги вақтда халқаро транспорт логистикасининг глобал тармоғига муваффакиятли қўшилди. Марказ фаолиятини янада ривожлантириш бугунги кундаги 12 йўналиш бўйича ташкил этилган ҳаво қатнови географияси ни 2015 йилда Европа, Шаркий ва Жанубий Осиё, Якин Шарқ, МДҲ давлатлари бўйича 25 та йўналишга етказиш, аэропорт-нинг инфратузилмасини такомиллаштириш, шунингдек, тобора ҳажми ошиб бораётган юкларни ташиш учун самолётлар сонини кўпайтириб боришни назарда тутади.

Шу билан бирга, телевидениени босқичма-босқич рақамли тизимга ўтказиш Дастири 2015 йилга бориб аҳолининг рақамли телевидение билан таъминланиш даражасини 70 фоизга етказиш, Тошкент шаҳри, барча вилоятлар марказлари ҳамда Нукус шаҳридаги телевизион алоқа марказларини замонавий рақамли ускуналар билан тўлиқ таъминлаш имконини беради.

Ижтимоий соҳа

Келгуси йилларда таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини, уй-жой инфратузилмасини, айниқса қишлоқ жойларда сифат жиҳатидан янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва сифатини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш изчил давом эттирилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни чукӯрлаштириш жараённида асосий эътибор кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, касалликларни дастлабки давридаёқ аниглаш ва уларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, санитария-эпидемиология ҳолатини, энг аввало қишлоқ жойларда яхшилаш, шунингдек, тор мутахассисликларга ихтисослашган илмий марказларни диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усулларида таъминлаш орқали ривожлантириш масалаларига қаратилади.

Хусусан, 2011–2015 йилларда 700 дан ортиқ (үтган 5 йилдаги нисбатан 1,8 баробар кўп) соғлиқни сақлаш муассасаси (вилоятлардаги 27 та кўптармоқли марказ, 12 та минтақавий тиббий диагностика маркази ва 10 та республика ихтисослаштирилган маркази) куриш, реконструкция қилиш ва уларни жиҳозлаш кўзда тутилган.

Келгуси йилларда 100 дан ортиқ туман тиббиёт мажмуалари Жаҳон банкининг «Саломатлик–3» лойиҳаси доирасида умумий қиймати 93 миллион доллар миқдоридаги замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланади, қишлоқ аҳоли пунктлари қошида ҳаётий зарур дори воситаларини етказиб берадиган дорихоналар фаолиятини ташкил этиш ишлари якунига етказилади.

2011 йилда Республика жарроҳлик маркази қошида юксак замонавий асбоб-ускуналарга эга бўлган кардиохирургия бўлимининг ташкил этилиши ва Республика кардиология марказининг операциялар ўтказиш учун илғор тиббий ускуналар билан жиҳозланиши замонавий диагностика ҳамда даволаш усулларини қўллаш, операциялар сонини, жумладан, юракни очиқ ҳолда операция қилиш сонини 60 фоиз кўпайтириш, юрак-қон томир касаллиги асоратлари билан оғриётган беморларга халқаро стандартлар даражасида сифатли медицина хизмати кўрсатиш имконини беради.

Маълумки, тиббиёт ва спорт жамиятда соғлом турмуш тамоилиларини шакллантиришнинг энг муҳим омиллари ҳисобланади. Шу боис юртимизда болалар спорти обьектларининг моддий-техник базасини кенгайтириш ва янада мустаҳкамлаш, уларни керакли спорт жиҳоз-анжомлари билан таъминлаш, мутахассис ва мураббийлар тайёрлаш, спорт машғулотлари турларини кўпайтириш масалаларига алоҳида аҳамият берилади. Буларнинг барчаси доимий спорт билан шуғулланадиган болалар сонини деярли 2 баробар ёки бу кўрсаткични умумий болалар сонига нисбатан 34 фоиздан 63 фоизга етказиш имконини беради. Болаларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликлар, аввало ўткир респираатор касалликларининг олдини олиш ва камайтиришда катта роль ўйнайди.

Яқин йилларда таълим соҳасини ривожлантиришнинг асосий вазифаси таълим муассасаларида яратилган моддий-техник базадан самарали фойдаланиш, уларни тизимли асосда замонавий техника ва ускуналар билан янгитдан таъминлаб бориш, ўкув жараёнига илғор таълим технологиялари ва ахборот-коммуникация тизимини кенг жорий этишдан иборатdir.

Шу мақсадда Президентимиз ташаббуси билан 2010 йилда Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма ташкил этилди. Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси таълим муассасаларини энг янги ўкув-лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер техникиси, ўкув мебели ва анжомлари билан жиҳозлаш (жиҳозлашни давом эттириш), ўкув бинолари ни ўкув устахона ва лабораториялари билан кенгайтириш, спорт заллари ва майдончалари, бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш ишларини молиялаштиришни назарда тутади.

2011 – 2015 йилларда Жамғарма маблағлари хисобидан барча мактабларни ўкув жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш имконини берадиган компьютер синфлари билан таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар охирига етказилади. Бундан ташқари, 400 та болалар спорти, 221 та болалар мусиқа ва санъати мактабини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади.

«Электрон таълим» лойиҳасини амалга оширишга алоҳида эътибор берилади. Ушбу лойиҳа доирасида мамлакатимизнинг барча худудларидаги олий ўкув юртларида, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда, умумтаълим мактабларида босқичма-босқич электрон кутубхона фондининг эркин каталоги, масофавий таълим ва маълумот алмашинуви тизими жорий этилади.

Қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифатини тубдан ўзгартиришга қаратилган, 2009 йилда бошланган қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барча коммунал хизматлар ва юқори даражадаги қулайликларга эга бўлган якка тартибдаги уй-жойларни комплекс қуриш борасида олиб борилаётган тизимли ишларни изчил давом эттириш, қишлоқда турмуш шароитини сифат жиҳатидан ўзгартиришнинг энг муҳим йўналиши бўлади.

2011 – 2015 йилларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси, ижтимоий объектларга эга бўлган тураржой массивлари 35,5 минг якка тартибдаги уй-жой билан биргаликда барпо этилиши кўзда тутилмоқда.

Ижтимоий ва коммуникация инфратузилмаларининг жадал ривожланиши ҳамда тез ўсиб бораётган уй-жой бозорининг шаклланиши шаҳар ва қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис инфратузилмасининг кенгайишига ҳамда бунинг натижасида 2011 – 2015 йилларда транспорт ва маиший хизмат кўрсатиш ҳажмининг 2,5 баробар ошишига имкон яратади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш, кўпроқ қишлоқ жойларда йилига камида 950 мингта янги иш ўрни яратиш билан бир вақтда юқорида қайд этилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши 2011 – 2015 йилларда аҳолининг ялпи даромадини 2,6 баробар кўпайтириш, харид кобилияти паритети бўйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотни 1,5 баробар ошириш учун замин бўлиб хизмат қиласди.

2011 – 2015 йилларда кенг миёсдаги иқтисодий ислоҳотларни изчил давом эттириш, олдимизга қўйилган марраларга эришиш учун мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этиш, амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришда узвийлик ва изчилликни таъминлаш, иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ҳамда зарур ўсиш суръатларини сақлаш, халқимиз ҳаёт сифатини ошириш ва узоқ истиқболга мўлжалланган мақсадларимизга эришиш – жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашимизга имкон яратади.

МУНДАРИЖА

І Б О Б. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ 1990–2010 ЙИЛЛАРДАГИ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР	13
БЮДЖЕТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ	17
Мустакиллик йилларида солиқ сиёсати	23
БАНК-МОЛИЯ СОҲАСИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ	29
ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ РИВОЖИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ	37
ЯИМнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркиби	37
Саноатнинг ўсиш суръатлари ва тармоқ таркиби	38
Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	42
Замонавий хизмат турларининг ривожланиши	49
ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ	52
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ	59
Ташқи савдо динамикаси ва таркиби	59
ИҚТИСОДИЁТННИНГ НОДАВЛАТ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ	63
ЯИМ ишлаб чиқаришнинг мулкчилик шакллари бўйича таркиби	63
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш суръатлари	66
ИНФРАТУЗИЛМА ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	67
Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш	67
«Навоий» ҳалқаро аэропорти ва «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зонасини ривожлантириш	69
Туризм ривожи	71

**П Б О Б . 1990–2010 ЙИЛЛАРДА ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ
РИВОЖЛАНИШНИНГ АҲОЛИ ЖОН БОШИГА ЎРТАЧА ТҮГРИ
КЕЛАДИГАН АСОСИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ
ДАРАЖАСИННИНГ ЎСИШИ**

Аҳоли жон бошига ўртача түгри келадиган иқтисодий

кўрсаткичлар

73

Аҳоли турмуш даражасининг ўртача жон бошига түгри

келадиган кўрсаткичлари

77

III Б О Б . ИСТЕЬМОЛ БЮДЖЕТИ

Ялпи даромадлар ҳажми ва таркиби	81
Ялпи истеъмол харажатлари	83
Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш.....	85
Ноозиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли	88
Жамгарма маблаглар	91

IV Б О Б . ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ

Демографик ривожланиши.....	93
Аҳоли бандлиги	96

ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИНГ БАРҚАРОР

РИВОЖЛАНИШИ	101
Таълим	101
Соғлиқни сақлаш.....	108
Коммунал соҳанинг ривожланиши	115
Ижтимоий соҳани молиялаштириш	118

**В Б О Б . ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТІСОДИЁТИ
РИВОЖИННИНГ 2011–2015 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛАНГАН
АСОСИЙ КҮРСАТКИЧЛАРИ (ПРОГНОЗЛАР)**

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар	119
Инвестиция сиёсати	120
Банк-молия соҳасини янада ислоҳ этиши	124
Саноат ривожи	125
Қишлоқ хўжалиги ривожи	128
Инфратузилма ривожи	130
Ижтимоий соҳа	138

СТАТИСТИК ТҮПЛАМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ (1990–2010 йиллар) АСОСИЙ ТЕНДЕНЦИЯ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ ҲАМДА 2011–2015 йилларга МЎЛЖАЛАНГАН ПРОГНОЗЛАРИ

Нашр учун масъул *A. Шеров*

Бадиий муҳаррир *K. Закирова*

Техник муҳаррир *У. Ким*

Мусаххих *Г. Азизова*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Нашр. лиц. АI № 158, 14.08.09. Босишга руҳсат этилди 02.08.2011.
Қоғоз формати 60x90^{1/16}, «Таймс» гарнитурада оғсет усулида босилди.

Шартли б.т. 8,75. Нашр т. 8,86. Адади 30000 нусха
Буюртма № 11-230.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон»
нашириёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Telefon: (371) 244-87-55, 244-87-20

Faks: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: iptduzbekistan@mail.ru www.iptd-uzbekistan.uz

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тарақ-
ў 32 киётининг мустакиллик йилларидағи (1990–2010 йиллар)
асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йил-
ларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам.– Т.:
«Ўзбекистон», 2011.–140 б.

ISBN 978-9943-01-743-6

УДК: 311.312(55.1)(082)
ББК 65.9(5Ў)